

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги
Захириддин Мухаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети
тарих ва ижтимоий фанлар факультети**

ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқукида

МАННОПОВ МУХАММАДРАСУЛ

**ИЖТИМОЙ БИЛИШНИНГ ЎЗИГА
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**5141500 – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БМИ раҳбари: доц. З.Хамидов

Андижон - 2014

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	3-10
-------------------	-------------

АСОСИЙ ҚИСМ

1 БОБ. ИЖТИМОЙ БИЛИШНИНГ МОҲИАТИ.

1.1 Ижтимоий билишнинг ўзига хос хусусиятлари.	11-24
--	--------------

1. 2 Табиатшунослик ва ижтимоий билишнинг жиҳатлари.	25-33
--	--------------

II БОБ. ИЖТИМОЙ БИЛИШ ЭВОЛЮЦИЯСИ.

2.1 Ижтимоий билиш эволюциясининг асосий йўналишлари.....	34-42
--	--------------

2.2 XX асрда ижтимоий билишда янги йўналишлар.....	43-56
---	--------------

ХУЛОСА	57-60
---------------------	--------------

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	61-62
---	--------------

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг асосий эътиборини эртанги кунимиз эгалари бўлмиш ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини кенг намоён қилиш учун шарт - шароитларни яратиш кун тартибидаги долзарб масалага қаратилди. Шу боис, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ёшларнинг илмий изланишларини муайян мақсадга йўналтиришга алоҳида аҳамият берилди бошланди.

Ҳар қандай илмий изланишнинг асосий омили билимни эгаллаш ва ундан фойдаланиш маҳоратини ўрганишга қаратилган. Чунки билим инсон эришган ютуқларнинг энг олий шаклларида биридир. Бугунги кунда билим жамиятда инсоннинг интеллектуал мулки сифатида қадрланмоқда.

Ўзбекистон президенти И.А.Каримов томонидан таклиф этилган жамиятни янада демократлаштириш ва модернизация қилиш концепцияси Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига кириб бориши, унинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланиши, жамиятни тобора либераллаштириш ва эркинлаштириш йўллари назарий жиҳатдан асослаб берди. Маълумки, ҳар қандай демократия ва либераллашув модернизациясиз, яъни ижтимоий ҳаёт барча соҳаларининг янгиланишисиз амалга ошмайди. Бу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, билим бундай модернизацияни амалга оширишнинг асосий омилларидан биридир. Бугунги кунда билим қамраб олмаган бирор-бир соҳани ёки инсон фаолиятининг турини топиш қийин. Демак, мамлакатимизнинг келгуси тараққиёти учун ҳам бошқа халқлар ва мамлакатлар тараққиёти тарихини ҳамда бу жараёнда билим, илм-фан, техниканинг ролини ўрганиш, уларнинг илғор жиҳатларидан фойдаланиш, уларни ўз ҳаётимизга тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, жамият тараққиётида ва тарихида билишнинг роли улкан. Ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилларидан бири билишдир. Тарихий жараёнда билимни қандай ўрин

эгаллаганлиги, унинг жамият тараққиётига қандай таъсир кўрсатганлиги, дунё тарихида билимнинг қандай тизимлари муҳим рол ўйнаганлиги ижтимоий соҳани билишнинг ўрни ва ўзига хосликларини англаб етиш нафақат фалсафий фанлар соҳасида, балки барча ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан муҳимдир.

Маълумки, 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан “Ўрта асрлар Шарқ алломадлари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Президентимиз ана шу мавзуда маъруза қилди. У ўз маърузасида ўрта асарларда яшаб ижод қилган шарқ алломаларининг буюк илмий мероси бебаҳо экандиги ва уларнинг бугунги тараққиёт ва илмий билиш соҳаси учун аҳамияти улкан эканлигини эътироф этди.¹ Кўриниб турибдики, жамият тарихида илмий билиш соҳаси улкан рол ўйнаганлиги ҳатто Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, фуқаролик жамиятини шакллантириш, жамиятни демократлаштириш йўлидан бораётган давлатлар учун жамият аъзолари қанчалик билимли ва илғор шахслар бўлиб етишиши муҳимдир. Бу соҳада дунё стандартларига жавоб бера олиш муҳим аҳамиятга эга, чунки иқтисодий муаммолар билан бир қаторда бозор иқтисодиёти шароитида барча соҳаларни кадрлар билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, илғор технологияларни яратиш, янги илмий тадқиқотлар олиб бориш ва уларни амалиётга жорий қилиш, ёшларни янада ҳар томонлама илмли ва малакали қилиб тарбиялаш каби муаммоларни ҳам ҳал қилишда билимли бўлиш, демак билиш ва ижтимоий билиш улкан рол ўйнаши табиий.

¹ Каримов И.А. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти”. Халқ сўзи., 2014 йил, 16 май. № 95. 1-2 бет.

Юқорида қайд этилган жиҳатларни ҳисобга олиб, билиш, билим ва ижтимоий билишнинг ўзига хослигини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Қайд этилган масалалар унинг амалий ҳаёт билан боғлиқлиги, босқичлари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда билишнинг иухим йўналишларидан бири ҳисобланган **ижтимоий билиш ва унинг жиҳатларини ўрганиш мазкур битирув малакавий ишининг мавзуси сифатида танлаб олинди.**

Билим, фан ва таълим тараққиёти ва шу билан бирга ижтимоий билиш жараёни объектив ва қонуний бўлиб, ҳозирда у жаҳоннинг барча мамлакатлари ва миллатлари ижтимоий ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, ахлоқий-диний, маданий-маънавий, экологик ва бошқа соҳаларини қамраб олган бўлиб, унинг тараққиёт суръатлари тобора тезлашиб бормоқда.

Билим онг тараққиёти натижасида инсоният тараққиёти билан биргаликда юзага келган. Жамият тараққиётининг эҳтиёжлари ва манфаатлари асосида моддий ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш кучларининг тараққий этиши, бозор иқтисодиётининг юзага келиши ва бошқа жараёнлар натижасида жамият тараққиётида билим муҳим омиллардан бирига айланди.

Жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги эҳтиёжлари ортиб боргани сари ижтимоий билиш ва умуман билимлар олдида кўйиладиган талаблар ҳам кучайиб боради. Илмий эҳтиёжларнинг ўзи ҳам ортиб боради. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, дунёнинг ривожланган мамлакатларида тараққий этган таълим тизими, янги ва илғор педагогик технологияларнинг таълим соҳасига жорий қилиниши, фанлар интеграцияси, техниканинг янада ривожланиб бориши каби объектив жаарёнлар билиш ва ижтимоий билиш соҳасининг тараққий этиб ва янада чуқурлашиб боришига ҳам таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейинги даврда биз ўрганаётган соҳада катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Мамлакатимизда илм-фан фан ривожи ва билим олиш учун улкан имкониятлар

яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ва ҳукуматимиз билим олиш билан боғлиқ соҳани тараққий эттиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Билиш ва ижтимоий билиш соҳасида ҳам бошқа соҳалардаги каби туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Қадимда фанларнинг отаси ҳамда инсон илмий дунёқарашининг синтези сифтида пайдо бўлган фалсафа билиш жараёни ҳамда ижтимоий билишни амалга оширишда асосий омил бўлиб хизмат қилган. Фалсафа доирасида шаклланган гносеологик, онтологик, аксиологик, антропологик ва бошқа қарашлар жамият ва инсон тараққиётида муҳим рол ўйнаб келди.

Маълумки, билим олиш, инсонлар томонидан қайси соҳада бўлмасин, билим олишга интилиш бу соҳада жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий шарт шароитлар ва имкониятларга алоқадор. Мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик, ёшлар тараққиёти учун барча шарт – шароитларнинг яратилиши ҳамда билим олиш учун мавжуд бўлган кенг имкониятлар билим олиш имкониятларини ҳам кенгайтиради. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов айтганидек, “... тинчлик ва барқарорлик бўлмаса, илм фан соҳасида ҳеч қандай ўсиш, тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Қаерда тинчлик ва барқарорлик бўлсагина, илм фан марказлари, академиялар, олий ўқув юртлари пайдо бўлади. Энг асосийси таълим-тарбия раванқ топиб, унга қизиқиш, эътибор кучаяди. Тинчлик –барқарорлик бўлган жойдагина одамлар ўқиб ўрганишни, ҳар томонлама ривожланишни истайди.”¹

Ижтимоий билиш билишнинг таркибий қисми сифатида кишиларни жамиятда юз бераётган воқеалар ва ҳодисалар, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга бефарқ бўлмасдан, аксинча бу жараёнларнинг моҳиятини англаш ва бу соҳада тўплаган билимларини жамият тараққиётига қўллаш соҳасида муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ёшларни мустақиллик даврининг руҳига мос ғоялар ва мафкура билан қуроллантиришда муҳим рол ўйнайди. Ижтимоий билиш – жамиятни, унда кечаётган ижтимоий

¹ Каримов И.А. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти”. Халқ сўзи., 2014 йил, 16 май. № 95. 1 бет.

ходиса ва жараёнларнинг моҳиятини, уларнинг келиб чиқиши, яшаши ва ривожланиш қонуниятларини билишдир. Жамият – моддий оламнинг энг мураккаб кўриниши. Жамиятни билиш деганда, унда кечган ва кечаётган воқеа ва ҳодисаларни, ижтимоий жараёнларни англаш назарда тутилади.

Демак, фалсафий билимлар ва бу йўналишда ижтимоий билиш инсонларни фалсафий дунёқарашга эга бўлишида ҳамда маълум миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштириб боришида, шунингдек ўзининг мафкурасига эга бўлишида катта ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов айтганларидек, "Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга"¹.

Фалсафий тафаккурнинг гносеологик, ижтимоий-сиёсий асослари ҳар қандай жамият халқининг дунёқарашини, онгини ўзгартиришга, унинг пировард мақсадларига хизмат қилишга қаратилган. Зеро, ҳозирги мураккаб динамик ривожланувчи дунёда ижтимоий янгилашни, умуминсоний ва глобал муаммоларни яхлит эгаллаш имкониятига эга бўлган янги тафаккурнинг қарор топиши учун фалсафий билишнинг роли ортиб бормоқда. Бугунги кунда фалсафий тафаккурнинг янгилашни нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир. Шу маънода, у буюк алломалар орзу қилган фозил одамларнинг комил фазилатларини шакллантириш ва такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшади.

Бугун таълим тизимида ўзини ҳозирги замонда реализация қила олиш ва бозор иқтисодиёти шароитларида юксак ютуқларга эриша олиши мумкин бўлган етук мутахассисларни тайёрлаб етиштириб бериш вазифаси билиш ва ижтимоий билиш жараёнига албатта, алоқадордир. Бу нуқтаи назардан билиш ҳамда ижтимоий билишнинг юзага келиши, бу ҳодисалар тараққиёт қонунларининг шаклланиши, жамият тараққиёти билан ва инсон онгининг ўсиб бориши, эҳтиёжларининг ортиб бориши билан бир қаторда

¹Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.:Маънавият, 2008. –Б.

ижтимоий билиш жараёнини кенгайтиб ва чуқурлашиб бораётганлигини таҳлил этиш бугунги кун учун ҳам ва келажак тараққиёт нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мавзуни ўрганилганлик даражаси. Битирув малакавий ишида танлаб олинган мавзу фалсафанинг асосий масалаларидан бири бўлиб, у фалсафа тараққиётининг барча босқичларида ҳам ўрганилган. Қадимги юнон файласуфларидан Сократ, Аристотель, Платон, Демокрит ва бошқалар Ўрта асрлар мусулмон фалсафасининг намоёндалари, тасаввуфчилар, Шарқнинг буяк алломалари Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Хоразмий ва бошқалар, Ғарб Уйғониш даврининг намоёндалари, инглиз ва француз маърифатпарварлик фалсафасининг вакиллари, Ғарб Янги давр мутафаккирлари Бэкон, Лейбниц, Декарт ва бошқалар немис файласуфлари И.Кант, Ф.Гегель, кейинроқ Шпенглер, Тойнби, Ясперс каби кўплаб мутафаккирлар билиш соҳасида катта тадқиқотларни амалга оширганлар.

Чет эл олимлари қатори Ўзбекистонда ҳам О.Файзуллаев, Х.Хайруллаев, Ж. Туленов, С.Шермухамедов, М.Абдуллаева, Б.Тўйчиев, Қ. Назаров, Н.Шермухамедова, Т.Ортиқов каби кўплаб файласуф олимлар билиш соҳасида самарали тадқиқотлар олиб борганлар. Уларнинг асарлари адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Битирув малакавий ишининг мақсади. БМИ да қўйилган мавзу асосида мавзу бўйича адабиётлар билан танишиш, уларни таҳлил этиш ва тўпланган илмий материаллар асосида ижтимоий билиш, унинг моҳияти, билишнинг жамият тараққиётидаги ўрни, бу объектив жараённинг эволюцияси каби саволлар ёритилишга ҳаракат қилинган.

Битирув малакавий ишининг объекти. Мазкур ишнинг объектини ҳозирги замонда фалсафа соҳасида муҳим йўналишлардан бири ҳисобланган ижтимоий билиш, ижтимоий билишнинг хусусиятлари, бундай билиш жараёнининг моҳияти ва тараққиёт қонуниятлари, эволюциясини ўрганиш ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг предмети ижтимоий билишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишдан иборат. Бу нуқтаи назардан умуман ижтимоий билишнинг юзага келиши ва унинг билишдан фарқ қилувчи моҳияти назарда тутилади.

Ижтимоий билиш тизими жамиятнинг ижтимоий ҳаёти ва унинг барча соҳаларига алоқадор. Ижтимоий билиш ҳам инсоният тараққий этиши ва жамиятнинг ташкил топиши натижасида юзага келган. Жамият тараққиётининг турли даврларида жамиятга муносабат, унинг тараққиёт қонуниятларини ўрганиш ва унинг келажаги бўйича турли тасаввурларга эга бўлиш каби ҳодисалар ижтимоий билиш тизимининг кенгайиб боришига ҳамда жамият тўғрисидаги фанларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиб келган. Ижтимоий билиш чуқурлашиб боргани сари жамиятни ўрганувчи фанлар дифференциацияси ва интеграцияси амалга ошиб борган. Муқаддам аниқ бўлмаган ва ҳозирги кунда юзага келган аксиология, ижтимоий антропология, глобалистика, социал лингвистика, информатика ва бошқа кўплаб фанларнинг пайдо бўлиши сўзимизга мисол бўлади.

Ижтимоий билишнинг тараққиёти бу жамият тараққиёти демакдир. Чунки бу соҳада амалга оширилган ҳар қандай янгилик ҳамда эришилган ютуқлар албатта, жамиятнинг прогрессив ривожланишига, демак инсон ҳаёти даражасининг ҳам янада тараққиё этишига таъсир кўрсатади.

Битирув малакавий ишнинг илмий аҳамияти. Мазкур Битирув Малакавий ишида фалсафа соҳасида ижтимоий билишнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий билишнинг жамият тараққиётидаги ва инсон дунёқарашининг шаклланишидаги роли, ижтимоий билишнинг методлари кабилар ўрганишга ҳаракат қилинган.

Мазкур ишда акс этган материаллардан талабалар ва бу соҳада қизиқувчи китобхонлар фойдаланишлари мумкин. Унда келтирилган мисоллар ва айрим маълумотлар ижтимоий билишнинг моҳияти билан қизиқаётган мактаб, лицей ва коллеж ўқитувчилари ва ўқувчилари учун ҳам муҳимдир.

Битирув Малакавий иши Кириш, учта параграфдан иборат бўлган Асосий қисм, Хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Жами 28 та адабиётлар рўйхати келтирилган. Битирув Малакавий иши 62 бетдан иборат.

I БОБ. ИЖТИМОЙ БИЛИШНИНГ МОҲИЯТИ.

1.1 Ижтимоий билишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ижтимоий билиш ҳақида сўз борар экан, энг аввало, масаланинг икки жиҳатига эътибор қаратиш керак: а) ҳар қандай билиш жамиятда пайдо бўлади, шаклланади ва маънавий-маданий асосларга таянади. Бу ҳар қандай билим ижтимоийдир, у инсоннинг одамлар орасидаги фаолияти билан боғлиқ, деган маънони англатади; б) ижтимоий билиш инсон фаолияти шаклларида бирийдир, яъни ижтимоий билиш бу энг аввало, жамиятни, жамиятда кечадиган иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий, ҳуқуқий каби соҳаларни, бир сўз билан айтганда, ижтимоий жараён ва ҳодисаларни билишдир. У билишнинг бошқа шакллари - табиатни билиш (табиатшунослик) ва тафаккурни билиш (гносеология, мантик)дан фарқ қилади. Қуйида биз билишнинг айнан ана шу жиҳатини кенгроқ ёритишга ҳаракат қиламиз.

Ҳозирги замон фалсафасида «ижтимоий билиш», «гуманитар билиш», «ижтимоий-гуманитар билиш» тушунчалари синонимлар сифатида қўлланилади. Моҳиятига кўра, ижтимоий билиш тарихий, ижтимоий-фалсафий, иқтисодий, социологик ва ҳоказоларга бўлинади. Уларни муайян мўлжаллар, турли қадриятлар, далил, мақсад ва мазмунни акс эттиришига кўра, билишнинг бошқа шаклларида фарқлайдилар. Ижтимоий билишни амалга ошириш бу энг аввало, жамиятнинг фалсафий концепциясини яратишдан иборат. Ижтимоий билиш энг аввало, ижтимоий фалсафа соҳасига алоқадор бўлиб, бундай билиш жараёнида жамиятнинг мавжудлиги, тараққиёти ва келажагига алоқадор бўлган назариялар ва қарашлар, ёндашувлар яратилади. Ижтимоий билиш аслида жамият тараққиёти, онг эволюцияси ҳамда жамиятни ўрганувчи турли фанларнинг шаклланиши асосида амалга ошади. Демак, ижтимоий билиш билишнинг муҳим йўналиши ҳисобланиб, бу жараён ўзининг амалга ошиш қонуниятлари ва усулларига эга. Ижтимоий билишнинг ўрганиш объекти бу жамият ва унда юз бераётган ижтимоий ҳодисалар ва воқеалар. Бу нуқтаи назардан ижтимоий

фанлар тараққиёти, бу фанларнинг дифференциацияси жамият соҳаларининг ҳам турли ижтимоий фанлар томонидан ўрганишига олиб келди. Умуман олиб қараганда, жамиятни ҳам ўзига хос бир организм сифатида қараш мумкин. Бу организмга тегишли бўлган турли соҳалар, қисмлар ва йўналишлар мавжуд бўлиб, улар иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий, диний, эстетик ва бошқа соҳаларга тегишли ҳисобланади. Демак, жамият ҳам маълум тизим бўлиб, бундай тизим ўзига хос бўлинмалари яъни кичик тизимлардан ташкил топган.

Ҳозирги кунда “ижтимоий-гуманитар фанлар” тушунчаси кенг қўлланилмоқда. Фалсафий фанлар (гносеология, онтология, антропология, аксиология, этика, эстетика, диншунослик, маданиятшунослик) ижтимоий фанлар (тарих, иқтисод, миллий ғоя, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик ва бошқалар) ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлар масалан, педагогика, психология ва бошқалар жамиятнинг турли соҳаларини ўзининг объектидан келиб чиққан ҳолда ўрганадилар. Демак, бу фанларнинг барчаси ижтимоий билиш жараёнида муҳим рол ўйнайдилар.

Ижтимоий билиш бу энг аввало, жамиятни билишдир. Маълумки, ҳар қандай билишнинг ўзига хос объекти мавжуд бўлиб, бу объектнинг хусусиятлари билиш жараёнида ўрганилади. Ижтимоий билиш жараёнида ҳам жамият ва унга алоқадор бўлган масалалар мазкур билишнинг асосий соҳасини ташкил этади. Жамият бу индивидларнинг ёки кишиларнинг шунчаки йиғиндисидан иборат эмас. Жамият бу ўзига хос тараққиёт қонунларига эга бўлган муҳим ижтимоий тизимдир. Бу тизим алоҳида олинган индивид тараққиётининг қонунларига эмас, жамият ва унда кечадиган барча ижтимоий жараёнларнинг қонуниятларига бўйсунди. Мазкур қонуниятларни жамиятни ўрганувчи турли фанлар: иқтисод, тарих, фалсафий фанлар, сиёсатшунослик, педагогика, психология, тилшунослик ва ҳ.к. фанлар ўрганади. Улар ўзларининг соҳасидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий қонуниятларни ўрганадилар.

Қайд этилган фанлар ўрганадиган соҳаларини жамият тизимининг

таркибий қисми ёки кичикроқ тизими сифатида таҳлил этадилар. Эътироф этиш мумкинки, ижтимоий билиш жамият тараққиётини ўрганувчи кўплаб фанлар асосланади. Жамият соҳалари қанчалик хилма-хил бўлса, уни ўрганувчи фанлар ҳам шунчалик хилма – хилдир. Жамият тараққиёти натижасида албатта, ижтимоий билишни амалга оширувчи янги фанлар юзага келади. Сўнгги даврларда шаклланган кадриятлар фалсафаси, глобалистика, ижтимоий антропология, ижтимоий лингвистика каби бир қатор фанлар жамиятда юзага келаётган янги соҳалар ва улар билан боғлиқ бўлган янги муаммоалрни ўрганиш асосида пайдо бўлди.¹

Жамиятни ўрганувчи асосий фанлардан бири бу ижтимоий фалсафадир. Ижтимоий фалсафа жамиятни яхлит бир организм сифатида умумий ҳолатда ўрганади ва унинг умумий тараққиёт қонуниятларини тушунтириб беради. Ижтимоий фалсафанинг жамиятни ўрганиш йўналишлари қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

1. Ижтимоий фалсафа жамият ҳаётини бир бутунлигича ўрганади ва унда кечаётган турли жараёнлар ва ижтимоий соҳаларнинг моҳиятини ўрганади.
2. Ижтимоий фалсафа жамият ва шахс, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, шахснинг жамиятдаги роли, шахс тараққиётининг моҳияти ва уларнинг ўзаро таъсири каби масалаларни ўрганади.
3. Ижтимоий фалсафа жамият тараққиётининг онтологик асосларини, жамият бир бутунлигини сақлаган ҳолда мавжуд бўлишининг сабаблари ва шароитларини, бундай мавжудликнинг омимлларини ўрганади.
4. Ижтимоий фалсафа доирасида жамиятни ўрганишнинг методологияси ишлаб чиқилади, ижтимоий фанлар соҳасида тўпланган билимлар умумлаштирилади ҳамда жамият тараққиётининг қонуниятлари ишлаб чиқилади.

¹ Васильева Л. Политическая глобалистика. М.: Прогресс, 2008. С.49.

Юқорида қайд этилган ёндашув асосида жамият тўғрисида умумий фалсафий концепция (назрия ёки қараш) яратилади. Бундай фалсафий қараш жамият ҳақида умумий тасаввур яратишга имкон беради. Жамият мавжудлигининг умумий асослари, жамият тараққиётининг умумий омиллари, қонуниятлари, ижтимоий борлиқнинг табиат борлиғидан фарқлари, жамият тараққиётининг келажаги ва ҳ.к. масалалар ижтимоий фалсафа соҳасида таҳлил этилади.

Жамият тўғрисидаги энг умумий тасаввур асосида жамиятни куйидагича тавсифлаш мумкин. Жамият – кишиларни биргаликда фаолият олиб боришлари мақсадида бирлашган мураккаб тизим бўлиб, у маълум ташкилланганлик, тартиб асосида қурилган. Унда озчилик кўпчиликка бўйсунди. Жамиятда умумий ҳаётнинг ягона асослари ташкил топади ва унга бирлашган кишиларнинг маълум ҳуқуқлари ва бурчлари шаклланади.

Ижтимоий билиш соҳасида олдинга қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолатда иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий, диний, эстетик, ахлоқий ва бошқа соҳалар турли ижтимоий – гуманитар фанлар томонидан тадқиқ этилади. Ижтимоий фанлар ва табиатшунослик фанлар ўрганиш соҳаларининг ўзига хослиги, уларнинг фарқи ва алоқадорлик масалалари ҳозирги замон фан фалсафаси ва методологиясида ҳал этилиши зарур бўлган муҳим масалалардан биридир.

Ижтимоий билиш аслида нимадан бошланади? Ижтимоий билиш субъектнинг ўз онги ва дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда жамият ва унда юз бераётган қвоқеа ва ҳодисаларни шахс позициясидан ёки жамиятнинг аъзоси сифатида билишга интилишдан бошланади. Шахс ўзининг тажрибаси ва маълум қаоашлари асосида жамиятда кечаётган турли иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқа жараёнларни таҳлил этишга интилади. Бунинг натижасида шахс томонидан ижтимоий англаш жараёни амалга ошади. Жамиятда кечаётган воқеа ва ҳодисалар таъсирида шахс ўз юриш туриши, ахлоқий ҳатти ҳаракатларини амалга оширади.

Ижтимоий билиш жамиятни тушунишга интилиш, унинг келажагини башорат қилиш, жамият тараққиётининг асосий йўналишларини режалаштириш билан боғлиқ. Мазкур жараёнлар инсоният тараққиётининг барча давларида ҳам амалга ошиб келган. Фан тараққиёти натижасида, инсониятнинг тажрибаси ошиб боргани сари, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжлар тараққиёти натижасида жамиятни англашга интилишнинг тобора кучайиб боргани сари жамиятнинг инсонга унчалик таниш бўлмаган жиҳатлари ҳам аста секин англаб борилган.

Ижтимоий билиш асос бўлган гуманитар дунёқараш соҳибларининг онги, фикри, фаолиятида ўзига хослик борлигини инкор этиб бўлмайди. Худди шундай технократик онг ва дунёқарашга эга бўлган кишиларда ҳам шу тарздан ўзига хослик кузга ташланади. Баъзан онгида технократик фикрлаш устувор бўлган одамлар эришилаётган ютуқ, кашфиёт инсон учун, унинг камолоти учун эканлигини унутиб қўядилар. Иккинчи томондан эса, аксарият гуманитар соҳа вакиллари учун техник ва табиий йўналишдаги қонун-қоидаларнинг мазмуни тушунарсиз, уларнинг моҳияти қоронғулигича қолаверади.

Ижтимоий (гуманитар) ва табиий (илмий) билимнинг мутаносиблиги ёки фарқини ҳал қилишда икки йўналиш мавжуд. Биринчи йўналиш тарафдорлари табиий-илмий ва ижтимоий билиш ўртасида, унинг шакл ва методлари орасида фарқ йўқ, деб ҳисоблайдилар. Масалан, шу йўналиш тарафдори, поляк олими Е. Топольский ижтимоий билиш шакли бўлган тарихий билини инкор қилади. У тарихий билишга хос муаммолар бир вақтнинг ўзида билишнинг бошқа шаклларида ҳам мавжуд, деб ҳисоблайди. Натижада, ижтимоий ва табиий-илмий билиш ягона бир тизим сифатида бирлаштирилади. Бу табиий фанлар аҳамиятини мутлақлаштиришга олиб келади. Бундан фақат табиий фан соҳасига тегишли билимларгина илмий бўлиши мумкин, фалсафа, социология, политология, маданиятшунослик ва бошқалар илмий билим бўла олмайди, деган хулоса келиб чиқади.

Ижтимоий билишнинг моҳиятини тушунишда уни ижтимоий сифат, ижтимоий зиддият, ижтимоий-тарихий далил, ижтимоий назария каби

тушунчалар билан аралаштириб юбормаслик керак. Албатта, ижтимоий билиш учун билишга тегишли бўлган барча жараёнлар хосдир. Далилларни изоҳлаш ва умумлаштириш (эмпирик босқич), тадқиқ қилинадиган ҳодисаларни тушунтириш, уларнинг қонун ва сабабларини аниқлаш, назарий ва мантикий таҳлил, башорат қилиш ва бошқалар ижтимоий билиш учун ҳам умумий жиҳатлардир. Бу бир томондан, билишнинг барча шакл ва турларининг ўзаро алоқадорлигини, иккинчи томондан эса уларнинг ҳар бирида алоҳида хусусиятлар, турлича намоён бўлувчи ички фарқлар мавжудлигини ифодалайди. Бундай хусусиятлар ижтимоий ҳодисаларни билишда ҳам кўринади.

Гуманитар билим соҳасидаги методологиянинг шаклланиши икки асосий йўналишга эга: 1) тарих фалсафаси соҳасидаги билимлар доирасида; 2) ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида. Бу икки йўналишнинг тақомили XVII асрга, яъни фалсафа ва табиий фанларнинг ажралиш даврига тўғри келади. Мазкур йўналишларнинг мазмуни, характери ва муаммолари тарихий тараққиёт жараёнида ўзгариб боради.

XVII асрда механика тўлиқ шаклланган бўлиб, унинг асосида табиий фанлар жадал ривожланган эди. Ижтимоий билим соҳаси ва фалсафанинг махсус бўлими ҳисобланмиш тараққиёт жараёни ва тарихий воқеаларни илмий билишни акс эттирувчи тарих фалсафаси ҳам шу даврда юқори босқичга кўтарилди. Ҳозирги кунда «Тарих фалсафаси» атамаси қуйидаги мазмунларга эга:

- а) тарихий воқелик, унинг бир бутунлиги ва тараққиёти ҳақидаги таълимот;
- б) ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакнинг узвий бирлигини умумий тарихий жараён сифатида қарайдиган назария;
- в) тарихий жараёнларни рационал восита ва методлари билан тадқиқ қилувчи фан фалсафасининг таркибий қисми. яъни тарихий эпистемология;
- г) тарихий воқеликни билиш ҳақидаги фалсафий концепциялар мажмуи. Ушбу фан «давр», «тарихий босқич», «тараққиёт»,

«ижтимоий фаолият», «қадрият», «инсон» ва шу каби категориялари билан тарихни фалсафий талқин қилади. Энг умумий тарихни бир бутун ҳолда тасаввур қилиш бу соҳадаги тарихий билимнинг мақсади бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам фалсафий жиҳатдан ўрганишдан унинг яхлитлиги масаласи энг асосий муаммо сифатида қаралади.¹

Тарих фалсафасининг илдизларини «Авесто ва «Таврот»да, Веда ва Упанишадаларда, Геродот ва Плутарх асарларидаёқ учратиш мумкин. Беруний ва Ибн Холдун, Хондамир ва Мирхондлар меросида ҳам тарихга фалсафий ёндашув тамойиллари бор. Кейинроқ тарих фалсафаси, билимнинг бир бутун тизими сифатида XVIII асрда Вико, Гердер, Сен-Симон ва бошқа мутафаккирлар асарларида ўрганилган. Француз файласуфи Сен-Симон (1760-1825) жамиятга механистик, аммо қонуний ривожланувчи бир бутун организм сифатида қараган ва ҳар қандай ижтимоий ҳолатни умумий тарихий жараёндаўз ўрнига эга бўлган тарихий ўзгарувчан ҳодиса сифатида ўрганишга ҳаракат қилган. У яратган инсон ҳақидаги фан (ижтимоий физиология) тарих фалсафасига асосланган бўлиб, Сен-Симон уни ҳам назарий, ҳам амалий фаолият тамойили сифатида таҳлил қилган. У жамият тарихини чуқур тадқиқ қилиш инсониятни цивилизацияли тараққиётда асрлар давомида рўй берган турли сиёсий иллюзиялардан асрайди, деб таъкидлайди. У тарихийлик тамойилини амалда қўллар экан.

Жамиятнинг асосий жиҳатларини кишиларнинг реал фаолияти сифатида тадқиқ қилган, инсониятнинг оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига қараб, аста-секиилик билан тараққий қилишини эътироф этган. Айни пайтда Сен-Симоннинг ижтимоий концепцияси ўз даврида табиатшунослик ва фалсафада ҳукмрон методологик доктрина бўлган механицизмдан холи бўла олмади. Унинг фикрича, И. Ньютон кашф этган дунёнинг ўзаро тортилиш қонуни янги фалсафанинг асоси, ўз навбатида, сиёсий фанларнинг пойдевори бўлиши мумкин. Сен-Симонда утопик ғоялар ҳам кўп. Айнан жамият ривожини

¹ Falsafa. Axmedovanning M. umumiy tahriri ostida, - T., 2006.

механистик тушуниш уни шундай ғояларга олиб келган эди. Ушбу иллюзия асосида у механистик тарзда шакллантирган ташкилотлар, яъни коммуналар фаолияти самарасиз бўлиб чиқди. Оқибатда уларга сарфланган куч ва маблағлар бекор кетган, машхур файласуф хонавайрон бўлган эди. Мумтоз тарих фалсафасининг якуни Гегелнинг ижтимоий-тарихий концепцияси бўлиб, у диалектик методга асосланган. Гегель табиий, тарихий ва маънавий дунёни ягона жараён сифатида тасаввур қилади. Уларнинг доимо ўзгаришдалигини таъкидлаб, табиий-тарихий ва ижтимоий тараққиётни ички алоқадорликка эгаллигини исботлашга ҳаракат қилган. Гегель инсон фаолияти асосини иқтисодий фаолият ташкил қилади, яъни, меҳнат — табиатни меҳнат қуроли билан ўзгартириш, деб ҳисоблайди. Шунга кўра, у инсон ўз меҳнат қуроли билан табиат устидан ҳукмронлик қилади ва айни пайтда, ўз мақсадига кўра, барибир табиатга бўйсунди, дея уқтиради.

Гегель фикрича, жаҳон тарихи ягона объектив қонуниятли жараён сифатида намоён бўлади. Бу жараёндаги ҳар бир давр бетакрор хусусиятга эга бўлиб, инсониятнинг умумий тараққиётида қонуний босқич ҳисобланади. Шу билан бирга, Гегелнинг тарихий концепцияси муайян даражада чекланган эди. Бу чекланганлик унинг тарихий жараён фақат руҳ иродасидан иборат, тараққиёт Прусс монархияси тимсолида ўз ниҳоясига етди, жаҳон маданий тараққиётида яккаю ягона марказдир, деган ғоялари яққол кўринади.

Билишнинг шакл ва турларининг узвий бирлиги уларнинг ҳар бирида акс этадиган ўзига хос хусусият ҳамда улар орасидаги фарқ мавжудлигига ҳалал бермайди. Ижтимоий билишнинг асосий хусусият ва уни билишнинг бошқа шаклларида фарқи қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Кенг маънода ижтимоий билишнинг предмети турли шаклларда намоён бўладиган инсон фаолиятидир. Гегель объектив жараёнининг иккита асосий шакли мавжуд: табиат ва инсоннинг мақсадли фаолиятидир, деган эди. Инсон фаолияти доимо объективлик (ижтимоий қонунлар) ва субъективлик (индивидуал маърифат, мақсад ва ҳ.к.) бирлигидан иборат. Бошқача қилиб айтганда, маданиятни яратувчи инсондир, объектпв жараёнларнинг иккинчи

шакли (инсоннинг мақсадли фаолияти) биринчисидан фаркли ўлароқ, табиатшуносликнинг предмети сифатидати табиатдир. Бинобарин, гуманитар билим — инсонга зарур кадриятлар ҳақидаги билим, маданий кадриятларни яратувчи, тарқатувчи ва асровчи шахснинг ички бойлигини ташкил қилувчи субъектив реалликнинг яхлит ифодасидир.

2. Гуманитар билим ижтимоий жараёнларга яъни ижтимоий ходисалар ривожланиши, тараққиёти қонунлари, сабаб ва манбаларини аниқлашга қаратилган бўлган. Билишга хос бўлган қуйидаги икки вариантпи эътиборга олиш даркор:

а) предметнинг ўзи, маълум маънода, ўзгармайди, балки унинг назарияси, яъни, билиш ўзгаради, такомиллашади. Бу табиий фанларда ёрқинроқ намоён бўлади. Масалан, галактикалар эволюцияси ўз ҳолича рўй беравсради, бу эволюциянинг инсон томонидан билиш муддати ииҳоятда чекли на тез содир бўлади;

б) предмет тараққиётининг муддати билиш тараққиёти муддати билан тенг бўлиши мумкин. Бундай ҳолда билим, фан эволюцияси ўз-ўзидан объект эволюциясини акс эттиради. Бу ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни билишнинг алоҳида хусусиятидир. Ана шу жиҳатдан ҳодисалар пайдо бўлувчи, ривожланувчи ва ўзгарувчи жараён сифатида таҳлил қилишга асосланган тарихийлик тамойили алоҳида аҳамиятга эга. Тарихийликнинг ижтимоий ҳодисаларни билишдаги роли шундаки, бунда жамият стандарт ҳолатда эмас, балки унинг содир бўладиган ҳодисалар чексиз такрорланиш, баъзида қайтарилмас, турли-туман ҳолатда талқин қилинади.

Тарихийликнинг ижтимоий билишдаги ўрнини таъкидлар эканмиз, бу тамойилнинг табиатшуносликка ҳам хос эканлигини тан олиш зарур. Чунки ҳар қайси фан тараққиётнинг пайдо бўлиши, яхлит тизимларнинг ўз-ўзини ташкил қилиши, ўзгариши ва бошқалар тарзида ўрганади.

Ижтимоий тизимлар тараққиётнинг хусусиятларини ўрганар экан, баъзи муаллифлар жамият қонунлари мураккаблиги учун кўп ҳолларда сирли бўлиб туюлади, деб ҳисоблайдилар. Агар ижтимоий тизим ривожланиши унинг ички,

конкрет босқичлари структураси билан боғлиқ бўлса, унда структуравий ўзгаришдаги ҳолатлар муқаррар тарзда ўз ифодасини топади.

3. Ижтимоий билишда қонунийлик, умумийлик, яккалик, индивидуаллик муносабатлари ниҳоятда муҳим:

а) гуманитар соҳада табиатдагидек объектив қонунлар мавжуд бўлиб, уларни аниқлаш ва фойдаланиш ижтимоий билишнинг асосий мақсадларидан биридир. Бу қонунлар асосида ижтимоий билишнинг предметини ажратиб олиш мураккаб вазифадир. Шу туфайли бу соҳада умумлаштириш қийин кечади;

б) ижтимоий-тарихий ҳодисаларнинг тез ўзгарувчанлиги, уникаллиги, такрорланувчанлиги умумий қонуниятларни аниқлаш зарурлигини мутлақо инкор қилмайди. Биринчидан, ҳар қандай яккалик маълум даражадаги умумийлик бўлиб, унда умумий томонлар намоён бўлади. Ҳар қандай уникаллик ўзида универсаллик элементларини мужассамлаштиради. Иккинчидан, жамиятда соф яккалик, уникаллик мавжуд бўлмайди. Улар доимо бошқа яккаликлар билан ўзаро таъсир тизимида бўлади;

в) ижтимоий воқелик маълум маънода индивидуаллашгани учун уни структуралаштириш ҳамда типлаштириш қийин, бу унинг аниқ ифодаси ва моделини яратишни мураккаблаштиради. Бу усуллар қийин булсада, гуманитар соҳада ҳам қўлланилади. Баъзи мутахассисларнинг фикрича, ижтимоий билимнинг тили икки хил тарзда намоён бўлади. Биринчиси — жамиятшуносликда ишлатиладиган сўзлар кўп учрайдиган жамоа тили бўлиб, масалалар моҳиятини содда тушунтиришга мўлжалланган. Иккинчиси эса фалсафа, социология, маданият назарияси, антропология, психология ва бошқа соҳаларга оид тадқиқотларнинг мураккаб терминологик фондини мужассамлаштириб, илмий-назарий ва герменевтик фаолиятга мўлжалланган. Шу билан бирга, жамиятшуносликда аниқ тушунчалар, мисоллар кенг қўлланиладиган табиатшунослик тили ҳам талқин қилинади.

4. Ижтимоий билиш предмети доимо субъективдир, яъни бунда ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон ўрганилади. Шунинг учун, бу нафақат «субъект-объект»

муносабати, балки «субъект-субъект» муносабати ҳамдир. Қадимги замон мутафаккири Софокл мажозий маънода ифодалаганидек, одамлар ҳаётда ўзлари яратадиган драманинг ҳам муаллифи, ҳам актёрларидир. Оламда ўзи учун ҳам, ўз заволи учун ҳам куч ва мураккаб нарсаларни моҳирона яратиши инсонга тенг жонзот йўқ. Биринчи камондан атом бомбасигача, биринчи сиртмоқдан компьютергача, биринчи тузоқдан космик кемаларгача бўлган йўлни фақат инсон босиб ўтган. Хуллас, ҳар қандай ижтимоий билим предметида субъект мавжудлигини инкор қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ижтимоий билишнинг асосий вазифаси — ўзига ўхшаган бошқа «мен»ни, яъни, одамни объект сифатида эмас, балки бошқа субъектни, унинг субъектив фаолиятани, ўзга одамлар, ижтимоий бирликлар (субъектлар) фаолиятини реаллик сифатида тушунмоқдан иборат.¹

Субъектининг ижтимоий билим предметиға киритилиши бу предметнинг ниҳоятда мураккаблигининг ифодасидир. Бунга моддийлик ва маънавийлик, стихиялилиқ ва онглилик, эмоционаллик, рационаллик ва иррационаллик ўзаро алоқадорликда намоён бўлади. Бу соҳада турли манфаат ва эҳтиёжлар, хилма-хил мақсад ва идеаллар шаклланади, амалга ошади ёки бир-бирига зид келиб қолади.

Демак, табиий билишда инсон (субъект), асосан, моддий дунё, хусусан жонсиз табиат элементлари (объектлар)ни ўрганса, ижтимоий билишда ўзи ва ўзига ўхшаш субъектларни кўпроқ ўрганади. Жамият таҳлил қилинар экан, у бир вақтнинг ўзида ҳам объект, ҳам субъектни мужассамлаштириши, улар орасидаги фарқ, баъзида зиддият реаллик эканлигини унутмаслик керак. Т. Адорнонинг таъкидлашича, «Зиддият энг юқори даражадаги реаллик бўлиб, у ижтимоий предметнинг ўзидадир. Уни билиш жараёнидан ёки реал ижтимоий дунёдан ажратиш мумкин эмас». Бунда билиш субъекти фаолиятининг ижтимоий характерга эга бўлган объектларга нисбатан татбиқ этилиши синергетикада кўп учрайдиган вазият билан ифодаланиши мумкин. Ижтимоий

19. ¹ Falsafa. Axmedovanning M. umumiy tahriri ostida, - T., 2006.

муҳитнинг барқарорлиги ёки беқарорлигида ҳар бир кишининг ҳаракати ўз ўрнига эга, у қай тарзда бўлмасин барибир макроижтимоий жараёнларга таъсир этади. Бу, ўз навбатида, ҳар бир кишининг ягона ижтимоий тизим, яъни умумий фаолиятда ўз ўрни борлигини англатиб, унинг жамият тақдирига масъул эканлигини билдиради.

5. Ижтимоий-гуманитар билим - инсон борлиги, ҳаёти мазмунини, унинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ жиҳатлари ва қадриятли мазмунини англашга қаратилган. Агар инсон учун бирор нарсанинг моддий ёки маънавий қадри ва аҳамияти бўлмаганида эди, одамзот ҳеч қачон уни ўрганмаган бўлар эди.

Мазмун ва қадрият категориялари ижтимоий билиш хусусиятини - тушунишда муҳим аҳамиятга эга. Инсон ҳаёти оигли фаолиятдир. Унинг мазмуни инсон борлигининг маънавий йўналиши, унинг асоси, олий маданий-тарихий қадриятларни амалга оширувчи ҳақиқат, яхшилик ва гўзаллик сифатида намоён бўлади. Гуманитар билим айнан шу мазмунни аниқлаш ва асослашга қаратилган.

6. Ижтимоий билишда тушуниш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Тушунишнинг оддийлиги, тўхтовсиз жараён эканлиги ҳақидаги тасаввурлар узоқ вақт мобайнида унинг мураккаб ва серқирра ҳодиса эканлигини тан олишга ҳалақит берган. Одатда, бу тушунчага таъриф берилмайди, аксарият ҳолларда унинг гарменевтика учун асосий манба эканлиги таъкидланади.

7. Ижтимоий-гуманитар билимда объект ва субъектнинг мураккаб, вақт ва давр билан боғлиқ алоқаси мавжуд. Бу Баден мактаби намояндалари томонидан тавсифлаб берилган. Улар ижтимоий фанларда, хусусан, тарих фанида ижтимоий воқелик, унинг тарихий босқичларини ёзма матнлар — ҳужжат, хатлар алоҳида ўрин эгаллашини, бу реаллик археологик ва тарихий манбалар орқали намоён бўлишига эътиборни қаратганлар. Тарихий реаллик тарихчилардан мислсиз вақт оралиғи билан ажралганлиги учун тарих соҳасидаги тадқиқотларнинг объектлари юқоридаги манбалар ҳисобланади.

8. Ижтимоий билиш ва гуманитар фанларда семиотика муаммолари алоҳида ўрин тутди. Семиотика (يونونча — белги) белги ва белгилар тизими хоссаларини ўрганувчи фандир.

9. Ижтимоий билишда диалог ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Диалог - икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг суҳбати ёхуд улар орасидаги оғзаки мулоқотнинг ёзма тарзда мустахкамланиши. Диалог иккми ёки бир неча кишининг ўзаро тушуниш ва тушунтиришга табиий интилиши тарзида намоён бўлади.

10. Ижтимоий билишда фалсафа ва унинг методлари алоҳида ўрин эгаллайди. Диалектика диалог натижасида пайдо бўлиб, унинг олий даражаси — шахслар, ғоялар ва таълимотлараро диалог даражасига кўтарилади. Шу тариқа умумфалсафий, умумилмий методга айланади. Фалсафий тафаккур ва ижтимоий билишда, нафақат онтологик, балки дунёқарашлик, мантикий гносеологик жиҳатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

11. Ижтимоий билиш ўрганилаётган воқеликнинг сифатига бевосита эътибор қаратади. Бунда ҳодиса ва жараёнлар, энг аввало, сон ва рақам, аниқ натижалар нуқтаи назаридан эмас, балки сифат ва индивидуал аҳамият, кадр нуқтаи назаридан ўрганилади. Шунинг учун ижтимоий назарияларда сон ва рақамлар табиий математика фанларга нисбатан кам. Бироқ, бу ерда ҳам билишни математикалаштириш, компьютерлаштириш, формаллаштириш ҳар бир жараёни кенгроқ ёритишга ёрдам беради.

12. Ижтимоий билишда эмпирик ва назарий компонентларнинг ўзига хос бирлиги мавжуд. Эмпирик методларнинг ижтимоий биллишидаги чекланганлиги аниқ бўлсада, улардан кеиғ фойдаланилади. Булар сўровномалар, тестлар, модели эксперимент ва бошқалардан иборат бўлиб, улар ўрганилаётган ҳодисаларнинг табиий-объектив хоссаларига эмас, балки, инсонийлик тавсифи, кадри, аҳамиятини аниқлашда қўлланилади. Улардан фойдаланишда воқеа ва жараёнларда иштирок этишнинг аҳамияти катта.

13. Ижтимоий билишда тан олинган умумий парадигмаларнинг йўқлиги ёки ўзгарувчанлиги қийинчилик туғдиради. Ижтимоий билишнинг бу

хусусиятини ҳозирги замон мантиқшуноси ва файласуфи Г.Х. Фон Вритт алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, жамиятшуносликда умумий олинган парадигмалар мавжуд эмас, шу билан у табиатшуносликдан фарқ қилади. Бироқ, тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичида муайян назарияларнинг ҳукмрон парадигмага айланади.

1.2 Табиатшунослик ва ижтимоий билишнинг жиҳатлари

Ижтимоий билишни амалга ошириш бу энг аввало, жамиятнинг фалсафий концепциясини яратишдан иборат. Ижтимоий билиш энг аввало, ижтимоий фалсафа соҳасига алоқадор бўлиб, бундай билиш жараёнида жамиятнинг мавжудлиги, тараққиёти ва келажагига алоқадор бўлган назариялар ва қарашлар, ёндашувлар яратилади. Ижтимоий билиш аслида жамият тараққиёти, онгнинг эволюцияси ҳамда жамиятни ўрганувчи турли фанларнинг шаклланиши асосида амалга ошади. Демак, ижтимоий билиш билишнинг муҳим йўналиши ҳисобланиб, бу жараён ўзининг амалга ошиш қонуниятлари ва усулларига эга.

Ҳозирги кунда “ижтимоий-гуманитар фанлар” тушунчаси кенг қўлланилмоқда. Фалсафий фанлар (гносеология, онтология, антропология, аксиология, этика, эстетика, диншунослик, маданиятшунослик) ижтимоий фанлар (тарих, иқтисод, миллий ғоя, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик ва бошқалар) ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлар масалан, педагогика, психология ва бошқалар жамиятнинг турли соҳаларини ўзининг объектидан келиб чиққан ҳолда ўрганадилар. Демак, бу фанларнинг барчаси ижтимоий билиш жараёнида муҳим рол ўйнайдилар.

Ижтимоий билиш бу энг аввало, жамиятни билишдир. Маълумки, ҳар қандай билишнинг ўзига хос объекти мавжуд бўлиб, бу объектнинг хусусиятлари билиш жараёнида ўрганилади. Ижтимоий билиш жараёнида ҳам жамият ва унга алоқадор бўлган масалалар мазкур билишнинг асосий соҳасини ташкил этади. Жамият бу индивидларнинг ёки кишиларнинг шунчаки йиғиндисидан иборат эмас. Жамият бу ўзига хос тараққиёт қонунларига эга бўлган муҳим ижтимоий тизимдир. Бу тизим алоҳида олинган индивид тараққиётининг қонунларига эмас, жамият ва унда кечадиган барча ижтимоий жараёнларнинг қонуниятларига бўйсунди. Мазкур қонуниятларни жамиятни ўрганувчи турли фанлар: иқтисод, тарих, фалсафий фанлар, сиёсатшунослик, педагогика, психология, тилшунослик ва

ҳ.к. фанлар ўрганади. Улар ўзларининг соҳасидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий қонуниятларни ўрганадилар.

Қайд этилган фанлар ўрганадиган соҳаларини жамият тизимининг таркибий қисми ёки кичикроқ тизими сифатида таҳлил этадилар. Эътироф этиш мумкинки, ижтимоий билиш жамият тараққиётини ўрганувчи кўплаб фанлар асосланади. Жамият соҳалари қанчалик хилма-хил бўлса, уни ўрганувчи фанлар ҳам шунчалик хилма –хилдир. Жамият тараққиёти натижасида албатта, ижтимоий билишни амалга оширувчи янги фанлар юзага келади. Сўнгги даврларда шаклланган кадриятлар фалсафаси, глобалистика, ижтимоий антропология, ижтимоий лингвистика каби бир қатор фанлар жамиятда юзага келаётган янги соҳалар ва улар билан боғлиқ бўлган янги муаммоларни ўрганиш асосида пайдо бўлди.

Жамиятни ўрганувчи асосий фанлардан бири бу ижтимоий фалсафадир. Ижтимоий фалсафа жамиятни яхлит бир организм сифатида умумий ҳолатда ўрганади ва унинг умумий тараққиёт қонуниятларини тушунтириб беради. Ижтимоий фалсафанинг жамиятни ўрганиш йўналишлари қуйидаги масалаларни ўз ичига олади:

Аввало, ижтимоий-гуманитар ва табиий-илмий билиш шакллари ўзаро алоқадорлиги, боғлиқлигини таъкидлаш лозим. Аслида, улар инсониятга ҳос умумий билишнинг бир-бири билан узвий боғлиқ икки томонидир. Билишнинг шакллари орасида чегара йўқ. Зеро, улар асосида иш кўрадиган, фаолияти билишнинг мазкур шакллари билан боғлиқ бўлган мутахассисларнинг онги ва дунёкарашида фарқ бор.

Юқорида қайд этилган ёндашув асосида жамият тўғрисида умумий фалсафий концепция (назрия ёки қараш) яратилади. Бундай фалсафий қараш жамият ҳақида умумий тасаввур яратишга имкон беради. Жамият мавжудлигининг умумий асослари, жамият тараққиётининг умумий омиллари, қонуниятлари, ижтимоий борлиқнинг табиат борлигидан фарқлари, жамият тараққиётининг келажаги ва ҳ.к. масалалар ижтимоий фалсафа соҳасида таҳлил этилади.

Жамият тўғрисидаги энг умумий тасаввур асосида жамиятни куйидагича тавсифлаш мумкин. Жамият – кишиларни биргаликда фаолият олиб боришлари мақсадида бирлашган мураккаб тизим бўлиб, у маълум ташкилланганлик, тартиб асосида қурилган. Унда озчилик кўпчиликка бўйсунди. Жамиятда умумий ҳаётнинг ягона асослари ташкил топади ва унга бирлашган кишиларнинг маълум ҳуқуқлари ва бурчлари шаклланади.

Ижтимоий билиш соҳасида олдинга қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолатда иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий, диний, эстетик, ахлоқий ва бошқа соҳалар турли ижтимоий – гуманитар фанлар томонидан тадқиқ этилади. Ижтимоий фанлар ва табиатшунослик фанлар ўрганиш соҳаларининг ўзига хослиги, уларнинг фарқи ва алоқадорлик масалалари ҳозирги замон фан фалсафаси ва методологиясида ҳал этилиши зарур бўлган муҳим масалалардан биридир.

Жамиятни билишнинг янги усуллари топиш йўлида олиб борилаётган изланишлар, таълимнинг тобора ижтимоийлашиб бориши билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг юзага келиши муносабати билан ижтимоий билиш масалалари янада долзарблик касб этмоқда. Анъанавий гносеологияда табиий фанлар билим ва билиш фаолиятининг, энг муҳими - билиш назариясининг идеали ҳисобланса, инсон ҳаётининг мазмуни, ахлоқий ва эстетик қадриятларни ўзида мужассамлаштирган маданият ва маънавият ҳақидаги фанлар тажрибаси маълум маънолда билиш назариясидан (гносеология) доирасидан четда қолмоқда. У ижтимоий билимга мурожаат этганида билувчи инсон, унинг бошқалар орасидаги борлигини англаб етиш, ижтимоий-гуманитар фанлар гносеологиясига фалсафий, тарихий ва ижтимоий-маданий кўрсаткичларни киритиш усуллари идрок этиш, ҳақиқат категорияси, унинг объективлигини талқин қилиш ва тушунишдан фойдаланувчи янгача ёндашувда қайта англаб етишнинг оқилона шаклларига эҳтиёж туғилади.

Бу муаммони назарий тушуниш фалсафа тарихида икки асосий йўналиш билан боғлиқ. Биринчи йўналиш мазкур билим турлари ўртасидаги

фарқни мутлақлаштирувчи кониепцияларда, иккинчи йўналиш — жамиятшунослик, ижтимоий фанларнинг ўзига хослигини инкор этувчи назарияларда намоён бўлган. «Табиат ҳақидаги фанлар» ва «жамият ҳақидаги фанлар» ўртасидаги фарқни ўзича асослаган нуфузли концепциялардан бири неокантчилик концепцияси бўлиб, у XIX аср охири — XX аср бошларида В.Виндельбанд ва Г.Риккерт асарларида илгари сурилган. Уларнинг фикрича, табиий фанлар табиатга хос қонунлар, сабабларни очиб беради, табиий жараёнларни тушунтиради ва уларнинг оқибатларини башорат қилади. Улар такрорланувчи, ўхшаш ва барқарор хоссалар, алоқалар ва муносабатларни аниқлайди, шу сабабли умумлаштириш методи, ҳамда математик аппаратдан ҳам фойдаланиши мумкин. Жамият маданияти, тарихи ҳақидаги фанлар ўзига хос, бетакрор воқеаларни ўрганади.

Файласуфлар қайд этишича, бу ерда қонуниятлар мавжуд эмас, шу сабабли бошқача — индивидуаллаштирувчи, ўз моҳиятига кўра тавсифловчи метод қўлланилади, фанларнинг ўзини эса идиографик ёки тавсифий деб номлаш мумкин. Уларда субъектнинг қадриятларга муносабати, унинг манфаатлари ва мақсадлари кенг ўрин олади. Табиат ҳақидаги фанлар ва маданият ҳақидаги фанлар ўртасидаги бу методологик фарқ бугунги кунда эътиборга олинади, бироқ шу билан бирга у мутлақлаштирилиши мумкин эмаслиги ва ҳар бир муайян илмий фанга нисбатан аниқлик киритилиши лозимлиги қайд этилади.

Жамият ҳақидаги фанларнинг объекти, уларни билиш методлари ва шакллариининг ўзига хослигини инкор этувчи концепциялар хусусан, позитивистик концепциялар ҳисобланади. Бу концепциялар айрим олимлар томонидан жамиятнинг инсон фаолиятига ва одамларнинг онгли тасаввурларига боғлиқ бўлмаган ҳодиса сифатида қарашлар натижасида юзага келган. Бу назарияларда инсоннинг муҳимлиги ва жамиятдаги роли инкор этилмасида, инсон ижтимоий билишни амалга оширувчи фанлар доирасида ўрганиладиган ҳодисалардан бири сифатида эътироф этилади. Уларнинг фикрига кўра, инсон ижтимоий объектлар қаторида тасодифий, ва

унча муҳим бўлмаган ҳодиса. Инсонни фан ўрганувчи объект сифатида ўзхига хос бошқа объектлардан ажратиб турувчи жиҳатлари ҳам кўп эмас. Демак, инсон мазкур қарашларда барча объектлар катори оддий ҳодиса сифатида қаралади. Бўрича ижтимоий объектлар шу жумладан, инсон ҳам табиат ҳодисалари билан ўхшашлик доирасида тадқиқ этилади. Бундай тадқиқ этиш жараёнида қўлланиладиган методлар ҳам асосан табиий илмий методологияга хосдир.

Умуман олганда, бу концепциялар жамиятда шаклланидиган инсон фаолиятига алоқадор соҳаларни ўрганишни, масалан, кадрлар соҳасини ноилмий деб айтадилар. Бошқача айтганда, инсон фаолиятининг ижодий жиҳатлари, унинг муайян тарихий хусусиятлари ва ижтимоий-маданий омиллари эътиборга олинмайди. Уларнинг барчасини умумий тарзда ижтимоий муносабатлар асосида шаклланидиган умумий ва мавҳум, конкрет тарихий давр ва инсониятга алоқадор бўлмаган ҳодиса сифатида талқин этилади.

Сўнги ўн йилликларда табиатшунослик ва ижтимоий фанларнинг ўхшаш жиҳатлари ва фарқлари муаммосининг бошқача талқини кенг тарқалган бўлиб, улар янги йўналишда шаклланимоқда. У умумий илмий билишнинг айрим тури ҳисобланувчи, унинг умумий мезонлари ва қонунларига бўйсунувчи маданий-тарихий ва ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни объектив билиш мумкинлигини сўзсиз тан олишга асосланади. Айни вақтда ижтимоий борлиқ ва «инсон дунёси»ни билишда объектив ҳақиқатга эришиш мураккаб жараён бўлиб, айрим алоҳида талаблар ва шартларни бажаришни тақозо этади.

Ижтимоий ва табиий фанлар аввало объектига кўра фарқ қилади. Бу ҳолда жамиятнинг билиш объекти сифатидаги ўзига хос хусусиятлари масаласи юзага келади. Жамиятнинг ривожланиши ва фаолият кўрсатиши одамлар фаолияти маҳсулидир, шу сабабли муайян тирик одамлар ҳуқуқ-атвори ва фаолиятини бевосита ўрганиш қонунларини кашф этиш ва ўрганишнинг эмпирик базаси ҳисобланади. Одамларнинг ҳақиқий эмпирик

тарихи жуда ранг-баранг бўлиб, қонуният, турғунлик ва такрорийликни аниқлаш жуда қийин. Муайян тарих ўта индивидуал бўлиб, ҳар бир мамлакатнинг ҳақиқий тарихи ўзига хос ва бетакрордир. Ўз-ўзидан равшанки, ижтимоий жараёнлар ва ҳодисаларни «соф кўриниш»да, лаборатория шароитида ўрганиш мумкин эмас, ижтимоий эксперимент имкониятлари чеклангандир.

Жамиятнинг ижтимоий-гуманитар билиш объекти сифатидаги муҳим хусусияти шундаки, унинг мазмуни ва таркибига онгли ва фаол билиш субъекти ўрганилаётган ижтимоий борлиқ ва «инсон дунёси»нинг муҳим элементи сифатида киради. Демак, тадқиқотчи алоҳида борлиқ - инсон онгининг мазмуни, маънолар ва мазмунлар соҳаси билан иш кўради, бу эса табиий фанларда мавжуд бўлмаган махсус методологик усулларни талаб қилади. Айни ҳолда объектни ўрганиш доим субъектнинг ҳаракатларида муҳим аҳамият касб этувчи муайян қадриятлар, мўлжаллар ва манфаатлар нуқтаи назаридан амалга оширилади. Бундан ижтимоий-гуманитар билишнинг нафақат объекти, балки субъектини ҳам кўрсатиш лозим, деган ҳулоса келиб чиқади.

Аслида, ижтимоий билиш ижтимоий жиҳатдан шаклланган ва манфаатдор субъект томонидан амалга оширилади, у мазкур субъектнинг дунёқараши билан белгиланади. Демак, ижтимоий билиш билишнинг бошқа турлари каби ўзининг махсус ўрганиш объектига эга бўлиб, бу объект жамият ва унда юз бераётган ижтимоий ҳодисалар ва воқеалар. Бу нуқтаи назардан ижтимоий фанлар тараққиёти, бу фанларнинг дифференциацияси жамият соҳаларининг ҳам турли ижтимоий фанлар томонидан ўрганишига олиб келди. Умуман олиб қараганда, жамиятни ҳам ўзига хос бир организм сифатида қараш мумкин. Бу организмга тегишли бўлган турли соҳалар, қисмлар ва йўналишлар мавжуд бўлиб, улар иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий, диний, эстетик ва бошқа соҳаларга тегишли ҳисобланади. Демак, жамият ҳам маълум тизим бўлиб, бундай тизим ўзига хос бўлинмалари яъни кичик тизимлардан ташкил топган.

Табиатшуносликда фалсафий, мафкуравий ва бошқа жараёнлар илмий кашфиётларнинг мазмунига эмас, балки улардан келиб чиқувчи назарий фалсафий хулосаларга, шунингдек, билимларнинг амалда қўлланилишига таъсир кўрсатса, ижтимоий фанларда субъектнинг мақсади - билим олиш, унинг ёрдамида у ёки бу ижтимоий муносабатлар ва тузилмаларни нафақат тушунтириш, балки асослаш, мустаҳкамлаш ёки қоралаш, ўзгартиришдир. Бу ерда билимнинг мазмуни билувчи субъект ижтимоий нуқтаи назарининг таркибий қисми ҳисобланади, бинобарин, ижтимоий ғоялар ва назарияларнинг асл мазмунини тушуниш учун уларни нафақат билиш объекти, балки ижтимоий гуруҳларнинг ҳақиқий манфаатлари билан таққослаш, яъни объектни ўрганишнинг қўшимча мезони — субъект-субъект муносабатлари (субъектлараро муносабатлар)ни ҳам киритиш лозим.

Табиатшуносликда билишнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, нисбатан мустақиллиги ва эркинлигини аввало шу билан изохлаш мумкинки, бу ҳолда субъект объектни бевосита, у амалда қандай бўлса, шундай акс эттиришга қараб мўлжал олади. Ўз-ўзидан равшанки, билиш объекти амалий фаолиятнинг қайси тарихий ва ижтимоий муайян шаклларида берилган бўлмасин, унинг хоссалари, муносабатлари, функциялари ва бошқа кўрсаткичлари муҳим аҳамият касб этади ва субъектга боғлиқ бўлмайди. Бунда, баъзан тадқиқот мақсадларидан қатъий назар объектив натижа берувчи экспериментал фаолият моддий жараёни муҳим роль ўйнайди. «Объектга қараб мўлжал олиш» ва экспериментнинг пировард натижаларига субъект анча кам таъсир кўрсатиши, субъектнинг объект ва у ҳақидаги билим ўртасидаги «воситачилик» хизматида маълум даражада воз кечиш имконини беради. Бундан ташқари, муайян тадқиқотчи ишининг натижалари умумий аҳамият касб этиши ҳам субъектдан узоқлашишга имконият яратади. Бу маълумки, натижаларни эълон қилишнинг «шахссиз» усулида, олинган барча маълумотлар ва хулосаларни тадқиқот методлари ва йўналишларига боғламасдан баён этиш имкониятида ўз ифодасини топади. Кўрсатилган омилларнинг барчаси тадқиқотчиларнинг объектив ҳақиқий билим олиш,

тадқиқот объекти ва натижаларига ҳолисона ёндашиш касбий-ахлоқий мўлжали билан амалда у ёки бу тарзда мустаҳкамланади.

Субъект объектга қадрият сифатида ёндашиши муқаррар бўлган ижтимоий ва гуманитар билишда бошқача объектив вазият юзага келиши назарда тутилади: объектни нафақат билиш, балки бир вақтнинг ўзида ва ҳатто биринчи навбатда унга баҳо бериш амалга оширилади. Баҳо беришнинг киритилиши объект «ўз ҳолича» субъектни қизиқтирмаслигини англатади; у субъектни фақат мақсадга мос келган ва субъектнинг маънавий ёки моддий эҳтиёжларини қондирган ҳолда қизиқтиради. Қадриятни белгалаш объектни айрим андозалар (идеал, эталон, меъёр) билан таққослаш ва бу андозага мувофиқлик даражасини аниқлаш тарзида амалга оширилади. Андозалар у ёки бу маданиятда шаклланади, «эстафета» (анъана) тарзида авлоддан авлодга ўтади, субъект уни таълим жараёнида ва кундалик ҳаётда аниқлайди.

Шундай қилиб, субъект объектга қадрият сифатида ёндашишдан бошқа мақсадни кўзлайди, табиий фанларда одатда, эътибордан соқит этишга ҳаракат қилинадиган омиллар эса бу ерда объектив зарур хусусият касб этади. Субъект-объект муносабатларининг бу типиди билиш иккинчи ўринга тушади, бироқ амалда унинг натижалари баҳо бериш учун асос бўлиб хизмат қилади. Баҳо бериш, мақсадлар ва идеалларни танлаш амалларида субъектнинг хоҳиш-иродаси, танлаш борасидаги фаоллиги, мойилликлари ва мўлжаллари намоён бўлади-ки, улар интуитив, иррационал ва бошқа омилларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Натижада, қадриятларга асосланган муносабат билишга қарама-қарши, умуман, объектив ҳаққоний билишга ёт муносабат сифатида намоён бўлади ва тегишли равишда бундай баҳолар ижтимоий-гуманитар билишга нисбатан татбиқ этилади. Бироқ, субъект-объект муносабати «нейтрал» ва қадриятларга асосланган типларининг бундай фарқланиши мавҳумлаштиргандагина мумкиндир, ҳақиқий билиш жараёнида эса муносабатларнинг иккала типи ҳам узвий бўлиб, нафақат ижтимоий-гуманитар билишда, балки табиий-илмий билишда ҳам муайян даражада мавжуддир.

Ижтимоий борлиқ объектив жараёнлар ва қонуниятларни ўзида акс эттирган даражада у табиат дунёси билан ўхшаш бўлиб, табиий фанларнинг методларига яқин илмий методлар ёрдамида ўрганилиши мумкин. Бинобарин, билишнинг ҳар қандай турида эмпирик ва назарий даражаларни ва уларга мос методлар ҳамда шаклларни фарқлаш мумкин бўлиб, улар, табиийки, ижтимоий-гуманитар тадқиқотларда фойдаланишда маълум даражада мослаштириш (модификациялаш)ни назарда тутди. Шу сабабли, қуйида ижтимоий-гуманитар билишда умумий илмий методларнинг амал қилиш хусусиятлари тўғрисида эмас, балки асосан билишнинг шу типига хос бўлган методлар тўғрисида сўз юритамиз. Улардан энг муҳимлари матн билан ишлаш методлари ва усуллари бўлиб, уларнинг илмий мазмунини махсус фалсафий-методологик таҳлил билан бойитиш талаб этилади.

Умуман олиб қараганда, билиш соҳасида қўлланиладиган методлар (усуллар) табиатшунослик ва ижтимоий билиш соҳасида кўп жиҳатдан ўхшаш. Тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, гипотеза (фараз), аналогия, ўхшатиш, солиштириш., моделлаштириш ва ҳ.к. Албатта табиатшунослик фанларидан фарқ қилган ҳолда жамиятни ижтимоий англаш соҳасида ёки инсонни англаш соҳасида тажриба ёки эксперимент ўтказиб бўлмайди. Шундай бўлсада, масалан иқтисодиёт, психология, тилшунослик, педагогика ва бошқа фанлар соҳасида айрим йўналишларда тажриба ва экспериментлар ўтказилиши мумкин.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, ижтимоий билиш соҳасида кўпроқ фараз қилиш, маълум соҳаларни режалаштириш борасида ижтимоий башорат, тарих фанлари соҳасида кўпроқ аналогия, ўхшатиш каби методлардан кўпроқ фойдаланилади.

II БОБ. ИЖТИМОЙ БИЛИШ ЭВОЛЮЦИЯСИ

2.1 Ижтимоий билиш эволюциясининг тарихий босқичлари

Ижтимоий билиш борасида турли назариялар ҳамда қарашлар юзага келди. Уларнинг барчаси ҳам жамият тараққиётининг омиллари, унинг келажаги ва бошқа жиҳатларига оид бўлган масалаларни турли усуллар ёрдамида ҳал этишга интилдилар ва ўзларининг турли назарияларини таклиф этдилар. Улардан айримларини кўриб чиқамиз.

Жамиятни ўрганиш тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, бу масала қадимдаёқ мутафаккирларнинг диққатини тортганлигини кўрамиз. Қадимда илмий-фалсафий билимлар доирасида айнан жамият ва у билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳақида сўз юритилмаган бўлса-да, тарихнинг умумийлиги ва ягоналиги, тараққиёти, умумий тарихий жараённинг амалга ошиш қонунлари ҳақидаги фикрлар Гераклит фалсафасида, Полибийнинг “Умумий тарих” асарида, Аристотел ва бошқа қадимги файласуфларнинг ижодида акс этганлигини эътироф этиш мумкин.

Шарқ Уйғониш даврига келиб Ибн Сино, Форобий, Ибн Халдун, Ибн Боджа каби мутафаккирларнинг асарларида ҳам жамият ва унинг тараққиётига оид кўплаб фикрларни айтганлар. Масалан, Ибн Синонинг жамиятда ақл, қалб ва жисмларни келтириб чиқарувчи ягоналик, Ибн Арабийнинг ягона дунё, Ибн Боджанинг умумий ақлга бирлашуви орқали инсоннинг бахтга эришуви ҳақидаги фикрларини айтиб ўтиш мумкин. Айниқса, Ибн Халдуннинг “Муқаддима” (“Ижтимоий ҳаётнинг табиати ҳақида китоб”) китобида цивилизация (умрон) назариясининг яратилиши ва тарихни цивилизациялар юксалиши ва пасайишидан иборат нотекис чизиқли қонуний жараён сифатида талқин этилганлиги диққатга сазовор.¹

Маълумки, Уйғониш даври фалсафасида Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам инсонпарварлик фалсафаси – гуманизм алоҳида ўрин тутган. XIX асрда

Қаранг: “Очерки истории арабской культуры У-ХУ вв. Главная редакция восточной литературы. - М.: Наука, 1982. С.323. бўйича келтирилди.

яна фалсафа фанларининг марказига инсон масаласи қўйилди. Бу соҳада катта бир экзистенциализм йўналиши шаклланди. Бу йўналиш ўз олдида инсоннинг моҳияти масаласини ўрганишни вазифа қилиб қўйди. Экзистенциализм тарафдорларининг фикрича, инсоннинг моҳиятини ўрганиш фалсафа фанининг моҳияти бўлиши керак. Экзистенциализмнинг вакиллари немис файласф олимлари А.Шопенгауэр, Ф.Ницше, В.Дильтей, Э.Гуссерл эдилар. Ф. Ницшенинг «Заратустранинг айтганлари», Дильтейнинг «Ҳаёт фалсафаси» каби асарларида инсоннинг моҳияти фалсафий нуқтаи назардан талқин этилади.

Ғарб Ренессанс даври намоёндаларининг жамият ва унинг тараққиёти, жамиятда амалга ошадиган жаарёнлар тўғрисидаги қарашлари ҳам ўзига хосдир. Бу ўринда француз назариётчиси Жан Боденнинг (1530-1596) суверенитет, хусусий мулк ва халқларнинг турли-туманлиги тўғрисида ёзилган Етти кишининг суҳбати» («Разговор семерых»), «Республика тўғрисида етти китоб» («Les six livre de la Republique»), Томас Морнинг (1478) «Утопия», Томмазо Кампанелланинг (1568) «Қуёш шаҳри» («Город солнца») асарларида ҳам ягона тарих, инсониятнинг бирлашуви натижасида юксак умумий тараққиётга эришиш мумкинлиги тўғрисида битилган фикрларни англаш мумкин¹.

Кампанелланинг фикрича, ҳар қандай нарса икки хил интилишга: бутунликка томон ҳаракатга ва ўзига томон ҳаракатга эга. Инсонни бошқалар билан мулоқот қилиш эҳтиёжи, уни ўз-ўзини сақлашнинг эгоистик тамойилига асосланган ҳолда уни ижтимоий бутунлик билан бирлашишга ундайди. Кампанелла инсоният келиб чиқишининг ягоналиги, инсоннинг эҳтиёжлари бир хиллиги ва келажакда барча халқлар ягона бир бутунликка бирлашишлари ҳақидаги ғояларни илгари суради. «Инсоният бирлашадиган кун яқин. ... Шоирлар барча металллардан ўтиб тушувчи олтинни кўрганидек, барча асрлардан устун турувчи янги асрни кўрадилар. Унда

История философии. Под ред. Г. Ф. Александрова, Б. Э. Быховского, М. Б. Митина, П. Ф. Юдина. М., ОГИЗ. ГОСПОЛИТИЗДАТ, 1941. Т. 11. 71-82 б.

файласуфлар ўзлари тасвирлаган ва ҳали (ҳеч қачон) ерда мавжуд бўлмаган мукамал Республикани кўрадилар”¹.

Янги давр француз маърифатпарварларининг ёрқин вакили Жан Жак Руссо “Тенгсизликнинг сабаблари”, “Ижтимоий келишув ҳақида” асарларида ҳамма кишилар эркин бўлиши мумкин бўлган жамият ҳақида ёзади. Унинг фикрича, мулк фуқаролик жамиятининг асоси ва шу билан бирга тенгсизликнинг сабабидир. Биринчи марта ўз ерининг атрофини тўсиб, “бу меники”, деб содда кишиларни ишонтирган инсон фуқаролик жамиятининг ҳақиқий асосчиси эди. Пайдо бўлган фуқаролик жамияти энг шафқатсиз уруш ҳаракатларининг театрига айланди.²

Гегель тарихий жараённинг диалектикага асосланган фалсафий назариясини ярата олган мутафаккир ҳисобланади. У мантикий триада (учлик) тезис – антитезис - синтез асосида тарихни умумий тарих сифатида ифода этди. Об’ектив руҳ ижтимоий ҳаётда индивидлардан устун бўлган бутунлик бўлиб, у алоҳида кишилар ва уларнинг турли алоқалари, ўзаро муносабатларидан устун. Тарих-об’ектив руҳ турли халқларнинг ўзига хос руҳи ва уларнинг алмашинуви асосида об’ектив, қонуний намоён бўлади. Гегелнинг умумий тарих тўғрисидаги фикрлари унинг вафотидан сўнг нашр этилган “Ҳуқуқ фалсафаси ” асарида ёритилган.

Цивилизация назариясининг асосчилари А.Шпенглернинг “Европанинг сўниши”, А.Тойнбининг “Тарихни тадқиқ этиш” асарларида тарихий жараён цивилизациялар алмашинуви сифатида эътироф этилган бўлиб, кейинроқ бу фикр асосида глобаллашув ва ягона тарих ҳақидаги ғоялар илгари сурилган. Бу ғоялар К.Ясперснинг асарларида ҳам ўз ифодасини топган: инсониятнинг манбаи ва мақсадлари ягоналиги сабабли ҳам унинг тарихи ягона. Бутун тарих бир-бирининг ўрнини босувчи учта фазага: тарихгача бўлган давр,

¹История философии.Под ред.Г.Ф.Александрова, Б.Э.Быховского, М.Б.Митина, П.Ф.Юдина. М., ОГИЗ. ГОСПОЛИТИЗДАТ, 1941. Т.11. 83-84б.

² История философии.Под ред.Г.Ф.Александрова, Б.Э.Быховского, М.Б.Митина, П.Ф.Юдина. М., ОГИЗ. ГОСПОЛИТИЗДАТ, 1941. Т.11. 328 б.

тарих ва дунё тарихига бўлинади. Дунё тарихи дунёнинг ва инсониятнинг глобал бирлигидан бошланади.¹

Жамият фалсафасининг яратилишида “очиқ жамият” тушунчасининг тарқалиши ҳамда А.Бергсоннинг “Ахлоқ ва диннинг икки манбаи”² ва К.Поппернинг “Очиқ жамият ва унинг душманлари” асарида акс этган очиқ жамият назариясини қайд этиш лозим. Унга кўра ”... ёпиқ жамиятдан очиқ жамиятга ўтишни инсоният бошдан кечирган энг чуқур инқилоблардан бири, деб тавсифлаш мумкин”³ Карл Поппернинг очиқ жамият назарияси глобал жамият тўғрисидаги қарашларнинг ва ёндашувларнинг шаклланишида катта рол ўйнади ва бу соҳанинг тадқиқотчилари томонидан глобал жамиятни очиқ, толерант ва кучли динамикага эга бўлган жамият сифатида талқин этилишига сабаб бўлди. Масалан, россиялик олим Ивин А.А. ёпиқ жамиятни кўпроқ салбий маънода талқин этиб, уни қабилавий жамоавийликдан ўрта асрлар орқали ҳозирги даврда тоталитаризмга асосланган жамиятга олиб келганлигини ва ““очиқ жамият” тушунчаси жамиятни эркин муҳокама қилиш ва альтернативларни ўрганиб, таҳлил этиш жараёнида ривожланиш перспективаларини ўзи танлайдиган жамиятни англатади”⁴, деб ҳисоблайди.

Юқорида қайд этилган фикрларга нисбатан шуни айтиб ўтиш мумкинки, ҳар қандай жамият ўз тараққиётида барқарорликка интилади, чунки барқарорлик жамият мавжудлигининг шартидир. У ўз потенциалини тўла намоён қилиб юксак иқтисодий-маънавий тараққиётга эришиши учун ижтимоий барқарор муҳитни сақлаб тура олиши керак. Албатта, Поппернинг “очиқ жамияти” маълум маънода демократик жамият, лекин у очиқ бўлганлиги учун ҳам доим барқарор бўла олмайди. Лекин, бу фикр очиқ жамиятдан воз кечиш лозим, деган хулосага олиб келмаслиги керак, албатта. Масала шундаки, демократик очиқ жамиятга эришиш учун

¹ Қаранг: Шпенглер О. Закат Европы.-М.: Наука, 1993; Тойнби А. Постигание истории.- М.: Прогресс, 1991; Ясперс К. Истоки истории и ее цель. Вып. 1-2. М., 1991.-С.120

² Қаранг: Визгин В.П. Анри Бергсон и экзистенциальная мысль. // Вопросы философии. 2004, № 10.

³ Поппер К. Открытое общество и его враги.-М., 1992. 1 т. С.220.

⁴ Ивин А.А. Философия истории. М.: Гардарики, 2000. С. 59.

жамиятнинг иқтисодий - ижтимоий ва маънавий ҳаётига зид бўлган, унинг барқарорлигини издан чиқарувчи салбий ҳодисалардан ҳимояланиш талаб этилади. Эволюцион тараққиёт йўлидан бораётган давлатлар учун жамиятнинг очиклиги айниқса, ўтиш даврларида бир қатор муаммоларга сабаб бўлиши мумкин. Чунки бундай ҳолларда, бизнингча, жамиятда шундай ҳам ўтиш даврининг муаммоларини ечиш учун катта куч талаб этилади. Агар уларга яна очик жамият олиб келиши мумкин бўлган муаммолар ҳам қўшилса, бундай жамиятнинг тараққиёт суръатлари пасайиши мумкин.

“Ёпиқ жамият”ларнинг барчаси ҳам фақат салбий моҳиятга эга бўлган, дейиш нотўғри бўлади. “Ер юзида аслича сақланиб қолган (Ботсвана, Намибия, Танзания, Янги Гвинея, Бразилияда) овчи-терувчи қабилалари ёпиқ жамиятга мисол бўладилар”¹. Бу жамиятлар ибтидоий тузум даражасида бўлса-да, улар табиат билан келишган ҳолда яшайдилар ва бундай уйғунлик яна минг йиллар давом этиши мумкин.² Бу халқларни яшашнинг ана мавжуд тарзи ҳозирча қониқтиради. Улар бошқача яшаш мумкинлигини ҳатто ҳаёлига ҳам келтира олмайдилар.

Жамият тараққиётида тобора глобаллашув муаммоси юзага келиб, бу жараён жамият тараққиётининг асосий йўналишларини белгилаб бераётганлигига биринчи бўлиб эътибор қаратган Рим клубининг аъзолари Р.Робертсон, А.Печчеи, Д.Форрестер, Д.Медоуз, Ж.Аттали ва бошқаларнинг ҳам илмий-назарий хизматлари катта.

Жамият тараққиётини иқтисодий глобаллашув сифатида талқин этувчи қарашлар ҳам айниқса, Ғарбда кенг тарқалган бўлиб, унга “кейнсианчилик” усулининг асосчиси Д.М.Кейнс мисол қилиш мумкин. Бунга яқин бўлган қарашлар эркин бозор назарияларининг муаллифлари Чикаго мактабининг намоёндалари М.Фридман, Г.Бэкер, А.Лаффер, П.Робертслар томонидан кенг

Олескин А.В.Биополитика. Политический потенциал современной биологии: философские, политические и практические аспекты. М., 2001.Франчук В.И.Общая теория обществ: новый организмический подход. //Социально-гуманитарные знания. 2008.№ 1 .93 б. бўйича берилди.

² Ўша жойда. 93 б.

асосланган. Австриялик психолог, файласуф ва иқтисодчи Ф.Хайек ўзининг “Қулликка йўл”, “Эркинлик Конституцияси”, “Капиталнинг ҳақиқий назарияси” асарларида давлат умуман аралашмайдиган эркин бозор муносабатларини тарғиб этади. Унга яқин бўлган фикрларни америкалик яна бир иқтисодчи Т.Фридман “Дунё-умумий уй. Йигирма биринчи асрнинг қисқача тарихи” асарида ҳам ёқлайди.

Америка жамиятининг афзалликларини тарғиб қилувчи назариётчиларнинг сафи ҳам кенг бўлиб, улар қаторига Д.Сорос, И.Уолларстайн, З.Бжезинский, Ф.Фукуяма ва бошқаларни қўшиш мумкин. Бу тадқиқотчиларнинг фикрича, дунёда фақат америкача ҳаёт, америкача маданият ва америкача мафкура ўзини оқлади. Бошқа барча мамлакатлар ҳам ана шундай ҳаётга келадилар.

Сўнгги вақтларда жамият тараққиётида цивилизациянинг ўрни ва унинг тараққиёти жамиятлар тўқнашувига олиб келиши мумкинлиги тўғрисидаги пессимистик назариялар ичида Хантингтоннинг турли шов-шувларга сабаб бўлган цивилизациялар тўқнашуви назарияси ўзига хосдир.

XX аср охири XX1 аср бошларида жамият тараққиёти муаммосига бағишланган бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилди ва тобора глобаллашиб бораётган жамият фалсафаси яратилди. Жумладан, сўнгги йилларда ўзбек олимларининг ушбу муаммоларга бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлари эълон қилиндики, улар асосида жамият фалсафаси янада ривожланмоқда.

XIX аср охири XX аср бошларида барча мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиётида катта ўзгаришлар юз берди. жамиятнинг барча соҳалари: иқтисодий, сиёсий, диний, ахлоқий, маданий ва бошқа соҳаларининг ривожланиш суръатлари ортди. Бундай жараёнларга фан ва техника соҳасида олиб борилган тадқиқотлар, турли кашфиётлар ва улар асосида қўлга киритилган ютуқлар катта таъсир кўрсатди. Бу даврда археология, фалсафа, тарих, социология, психология ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар тараққиётида силжишлар юз берди. Бу даврга келиб

ижтимоий фанлар ва жумладан, фалсафа соҳасида бир қанча оқимлар шаклланди. Улардан бири позитивизмдир.

Позитивизм – французчадан, “ижобий” деган маънони билдиради. Унинг фикрига кўра, барча яхши натижага эга бўлган ижобий фикрлар ва билимлар фақат алоҳида махсус фанларнинг натижаси сифатида мавжуд бўлиши мумкин. Бу йўналишнинг асосчиси Огюст Конт ҳисобланади. Контнинг фикрича, инсон ақли ва интеллекти эволюциясида учта тараққиёт босқичини босиб ўтган. Улар: илоҳий, метафизик ва позитив, яъни илмий. Ушбу босқичларда фалсафанинг вазифалари ҳам турлича бўлган. Контнинг фикрича, фанлар ўзининг тадқиқот доираларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича туркумланишлари (классификация) мумкин: математика, механика, физика, химия, биология, социология. Кейинроқ позитивизм доирасида турли йўналишлар пайдо бўлди: инглиз файласуфи ва социолог асос солган органик социология.

Контнинг жамият тўғрисидаги фикрлари ҳам ўзига хосдир. Унинг айтишича, жамият инсон организмига ўхшайди. Бундай жамият ўзаро муносабатлар ва мулоқотлар ҳамда кадриятлар асосида бирлашади. Бундай жамиятларни социология фани ўрганади. Гарб мамлакатларининг мақсадларига мос тарздаги, яъни америкалашган глобаллашув шаклини тарғиб қилувчи назариялар ҳам талайгина. Бундай “тарғиботчилар” қаторига кўпчиликка таниш бўлган ва бир қатор ШНГ давлатларида турли рангли инқилобларни амалга оширишда фаол иштирок этган америкалик Джордж Сорос, назариётчилар Иммануил Морис Уоллерстайн, Збигнев Бжезинский, Френсис Фукуяма ва бошқаларни қўшиш мумкин. Масалан, Д. Сорос глобаллашувни қуйидагича таърифлайди: “...ушбу термин молия бозорининг глобаллашиб бориши, глобал молия бозорлари ва трансмиллий корпорацияларнинг миллий иқтисодиётга кучли ва ўсиб бораётган таъсирини англатади. Бу маънода глобаллашувни эркин савдодан фарқлаш лозим, чунки у айрим мамлакатлар учун кучли оқибатларни келтириб

чиқармайди”¹. Кўриниб турибдики, муаллифнинг фикрларида глобаллашув сифатида бу жараённинг фақат иқтисодий йўналиши назарда тутиляпти. Маълумки, Д.Сорос кўпчиликка америкалашган, аниқроғи, АҚШ манфаатларига мос келувчи глобаллашув тарафдори ва тарғиботчиси сифатида таниш.

Америкалашган жамиятни тарғиб қилувчилар бир қарашда инсон эркинлигини тарғиб қилгандек туюлсалар-да, аслида ундай эмас. Чунки куч ва таъсир йўли билан, сунъий усуллар билан тазйиқ асосида ташкил қилинаётган глобаллашувга асосланган жамият инсон эркинлигининг ривожланишига эмас, аксинча, чекланишига хизмат қилади. Бундай назариётчилар учун бошқа мамлакатлар энг аввало, уларнинг иқтисодий мақсадларини амалга оширишга имкон берувчи эркин бозорни ташкил этиш мумкин бўлган янги ресурслар ва бойлик олиб келувчи ҳудуддир.

Тараққиётнинг Америка моделини ёқлаб чиққан назариётчилар барча жамиятлар учун турли соҳаларнинг унификация (бирхиллашув) жараёни қонуний, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг айтишича, Ғарб цивилизацияси дунёда асосий бўлиб, барча мамлакатлар ва миллатлар учун мос тушади. Масалан, Америка сиёсатшуноси Френсис Фукуяма “Тарихнинг якуними?” номли мақоласида эртами-кечми барча мамлакатлар Ғарб маданияти ва қадриятларини қабул қилади, бу ҳолат тарихнинг якунини англатади, деб таъкидлайди. У илгари сурган ғояга кўра, социалистик тизим емирилганлиги сабабли энди америкача тараққиётнинг душманлари йўқ. Демак, тарих якунланади². Фукуяма ўзининг бундай ёндашувини америкача мафкурадан бошқалари ўзини оқламади, “Ғарбнинг, ғарбга хос ғоя” ғалабага эришганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз, энди фақат иқтисодий муаммолар қолди, деб асослайди³.

АҚШ нинг бошқа барча мамлакатлардан ҳар томонлама устунлигини асослаб бермоқчи бўлган сиёсатчилардан яна бири Збигнев Бжезинскийдир.

¹ Сорос Дж. Тезисы глобализации.// Вестник Европы, 2001, № 2.

²Фукуяма Ф. Конец истории?/ Философия истории. Антология. М.:Аспект-Пресс,1994. С.290-291.

³ Философия истории. Под ред.Панарина А.С.М.:Гардарика, 1999. С.370.

У Америка маданиятини мактаб, унга ҳамма эргашаётганлигини исбот қилишга интилади: “Бошқалар ўзларининг эстетик қадриятлари ҳақида қандай ўйласалар ҳам, америкача оммавий маданиятнинг жозибаси айниқса, бутун дунё ёшларини ўзига магнитдек тортувчи куч таратади. ... Америка телевидение дастурлари ва фильмлари дунё бозорининг тўртдан уч қисмини эгаллаган. Америка оммавий мусикаси ҳам бош ўринни эгаллаган, бутун дунёда америкаликларнинг қизиқишларига, овқатланиш одатларига ва ҳатто кийинишларига тақлид қилишади. Internet тили – инглизча, компьютердаги “суҳбатларнинг” асосий қисми ҳам Америкадан бўлиб, глобал суҳбатларнинг мазмунига таъсир кўрсатмоқда. Ва ниҳоят, замонавий билим олмоқчи бўлганлар учун Америка Маккага айланди; тахминан ярим миллион чет эл талабалари Қўшма Штатларга оқиб келмоқдалар, улардан энг қобилятлиларининг кўпчилиги уйга қайтмайдилар. Америка университетларининг битирувчиларини деярли барча минтақалардаги ҳар бир ҳукуматда топиш мумкин”¹.

¹ Бжезинский З. Великая шахматная доска. М., 1999. С. 38.

2.2 XX асрда ижтимоий билишда янги йўналишлар

XX асрнинг бошлари фалсафий тараққиётида янги аксиология (кадриятшунослик, кадриятлар фалсафаси) йўналиши шаклланди. Бу йўналишнинг шаклланишида П.Наторп, Э.Кассирер, Г.Риккерт, В.Виндельбанд каби Европа олимлари катта фаолият кўрсатдилар. Уларнинг айримлари Марбург фалсафа мактабининг, айримлари Баден фалсафа мактабининг вакиллари эдилар. Албатта, аксиологиянинг бу даврга келиб шаклланиши кадриятларнинг ҳам бу жараён билан бирга шаклланишини билдирмайди. Аслида аксиологиянинг илдизлари фалсафанинг шаклланиш даврларига бориб тақалади. Ҳозирги кунга келиб аксиологиянинг ҳам бир қанча психологик, натуралистик, социологик, феноменологик, теологик каби йўналишлари шаклланди¹. Бундай йўналишларнинг шаклланиши табиий. Чунки фан тараққий этиб борган сари жамият эҳтиёжларига боғлиқ тарзда унда интеграция ва дифференциация жараёнлари ҳам ривожланиб боради. Тадқиқот соҳалари кенгаяди ва янгилари юзага келади. Аксиология ҳақида ҳам юқоридаги фикрни таъкидлаб ўтиш мумкин.

Бу даврда кенг тарқалган фалсафий оқимлардан яна бири марксизм оқими бўлди. Унинг асосий вакиллари Ф.Энгельс, К.Маркс ва Россияда В.Ленин эди. Марксизм фалсафаси тараққиётнинг асосини моддийлик, материя билан боғлаган ҳолда, моддий нарсалар, материя бирламчи ва онг, ижтимоий онг иккиламчи, деган қарашларни илгари сурди. Инсонни ўраб турган объектив олам онгда акс этади. Объектив оламнинг асосида диалектика – умумий алоқадорлик ётади ва у тараққиётнинг манбаи, тараққиёт детерминизм, яъни сабабият тамойилига бўйсунди. Умумий алоқадорликнинг ва ривожланишнинг учта асосий қонуни мавжуд бўлиб, улар: миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиши қонуни, инкорн инкор қонуни ва қарама қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни. Ана шу

¹ Столович Л.Н. Об общечеловеческих ценностях // Вопросы философии. 2004, № 7.-С.88.

конун асосида ривожланиш оддийдан мураккабга томон эволюция сифатида давом этади.

Марксизм тарафдорларининг эътироф этишича, жамият тараққиёти босқичма-босқич оддийдан мураккабга томон ривожланган, унинг ривожланишида бешта формацияни босиб ўтган. Улар:

1. Ибтидоий жамоа тузуми.
2. Қулдорлик тузуми.
3. Феодализм тузуми.
4. Капитализм тузуми.
5. Социализм тузуми.

Инсоният тарихи – синфий курашлар тарихидан иборат. Моддий ишлаб чиқариш жамият тараққиётининг асоси бўлиб, унинг асосий элементлари ишлаб чиқариш кучлари (меҳнат қуроллари ва инсон) ва ишлаб чиқариш муносабатларидир (ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро муносабатлари ва ишлаб чиқарувчининг меҳнат қуролларига бўлган муносабати).

Маркснинг “Капитал”, Ф.Энгельснинг “Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши, В. Лениннинг “Давлат ва революция” каби асарларида марксизмнинг асосий қарашлари акс этган. Марксизм ғоялари кейинроқ В.Ленин томонидан янада тараққий эттирилди. Унинг асосий ғояси ва мақсади пролетариат революцияси эди. Бу ғоя 1917 йилда Россияда социалистик революция сифатида амалга ошди. Мамлакатда ўрнатилган советлар ҳокимияти 70 йил давомида ҳукмронлик қилди.

Жамият тараққиётининг юқорида қайд этилган марксизм назариётчилари томонидан эътироф этилган даврлари тарихни асосан бешта даврга бўлган. Россияда 1917 йилда амалга оширилган социалистик революциянинг назарий ва амалий йўлбошчиси В.И.Ленин мазкур бешта даврга яна олтинчисини коммунизм даврини қўшган. Социализм эса коммунизмнинг дастлабки босқичи сифатида таърифланган. Бу тузумнинг асосий тамойили “Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша” шиори бўлиб, бундай жамиятнинг барча аъзоалри тенг ҳуқуқли.

Асосан иккита синф, яъни ишчилар ва деҳқонлар синфи мавжуд бўлиб, бунда зиёлилар ижтимоий қатлам сифатида тан олинган.

Социализмнинг юқори фазаси коммунизм формациясида ҳамма тенг ҳуқуқли, юқори даражада шаклланган турмуш тарзи, юқори даражада онгли бўлган жамият аъзолари, ҳар томонлама етук бўлган жамият таркиб топади. Бундай жамиятда барча ижтимоий тенг ва бахтли. Армия ҳамда суд ва прокуратура бундай жамиятда муҳим рол ўйнамайди, чунки уларнинг фаолияти зарур эмас. Чунки, урушлар бўлмайди, жиноятчиларга бундай жамиятда ўрин йўқ. Барча юқори даражада онгли бўлиб, коммунистик ахлоқ руҳида тарбия топган ҳисобланади. Бундай жамиятда аста-секин давлат ҳам барҳам топади. Чунки давлатнинг функцияларини кишиларнинг ўзлари бажарадилар ёки турли шакллардаги жамоат ташкилотлари жамият бошқарувида муҳим рол ўйнайди.

Коммунистик жамиятда босқичма – босқич тарзда пул муносабатлари ҳам барҳам топади. Чунки пул муносабатларига ўрин қолмайди. Жамиятнинг барча аъзолари эҳтиёжига яраша озиқ-овқат, товарлар ва бошқа зарур нарсаларни ташкил этилган махсус жойлардан бепул оладилар. Бундай жамиятда шунчаки пулга эҳтиёж қолмайди.

В.И. Лениннинг “Давлат ва революция” асари юқорида қайд этилган м уаммоларга бағишланган бўлиб, унда айнан жамиятда давлатнинг юзага келиши, давлатнинг тараққий этиш қонуниятлари, моҳияти ва функциялари, давлатнинг социалистик тузумдаги ўрни ва унинг функцияларини жамият тараққиёти билан боғлиқ равишда ўзгариб бориши масалалари кўрсатилган эди. Аммо марксизм назариясига асосланган социалистик тузум ва унинг асосида ташкил топган СССР давлати 70 йил мавжуд бўлди. Бу жамиятнинг назарий асослари жуда мафтункор ва эътиборли бўлсада, мазкур назария кўп жиҳатдан утопия, яъни ҳаёлий эди. СССР давлатига бирлашган 15 нафар республика СССР нинг таркибидан чиқиб, ҳар бири алоҳида мустақил давлатга айланди. Шундай қилиб,

марксизм назарияси асосида қурилган ва коммунистик давлат қуриш йўлидан бораётган 70 йил умр кўрган мамлакат барҳам топди.

XX асрнинг биринчи ярмида жамият фалсафаси, социология, тарих каби соҳалар ҳам анча тараққий этди. Бу даврда очиқ жамият назарияси кенг тарқалди. Бу назариянинг асосчиларидан бири сифатида инглиз мутафаккири Карл Попперни кўрсатиб ўтиш мумкин. Унинг фалсафий таълимоти илмий билиш назарияси тизимининг шаклланиш жараёнида алоҳида ўрин тутди. Поппернинг бу соҳадаги асосий концептуал ҳулосаси қуйидагича: фақат рад этиш мумкин бўлган назария илмий ҳисобланади. Поппер уни фальсификация тамойили, деб атади. Унинг фикрича, ҳар қандай илмий назария очиқ бўлиши ва инкор этилиш хусусиятига эга бўлиши лозим. Назариянинг бундай хусусияти фан тараққиётини белгилайди.

Поппер фикрича, фальсификация усули табиат ва жамиятда бир хилда амал қилади, унга боғлиқ ҳолда ўзгармас қонунлар йўқ. Шу сабабли ҳам инсон объектив реалликни англай олмайди. Жамият ва маданият ҳам табиат сингари очиқ. Улар бир вақтнинг ўзида ҳам очиқ, ҳам ёпиқ бўлишлари мумкин. Ҳозирги тобора глобаллашиб бораётган давр очиқ жамиятни ривожлантиради.

Очиқ жамият ягона назария ёки ёндашув асосида бўлмаслиги, аксинча, турли-туман ва ҳатто бир-бирига қарама-қарши бўлган тамойиллар асосида ривожланиши мумкин. Яъни жамият ва унинг аъзолари мутлақ очиқ ёки толерантлик хусусиятига эгадирлар. Бундай ҳолат жамият учун катта аҳамиятга эга бўлиб, унда маълум бир назариянинг тўла ҳукмрон бўлиб қолишига йўл қўйилмайди ва тоталитаризмнинг олди олинади. "... Очиқ жамият ... менинг тушунишимча, шундай жамиятки, унда кишилар (асосан) табуга танқидий қарашни ва қарорларини бошқалар билан биргаликда муҳокама қилиш ва уларни ўз интеллект имкониятларига асослантиришни ўрганиб оладилар".¹ Бу ерда муаллиф жамиятда ҳукмрон бўлиши зарур бўлган очиқлик, толерантлик тамойилларини назарда тутган. Бундай жамият

¹Поппер К. Открытое общество и его враги. -М., 1992. 1 т. С.251.

кучли динамикаси билан фарқ қилади. Демократик тараққиёт ва глобаллашув ёпиқ жамиятни очик жамият билан алмашинуви зарурлигини тақозо этади.

Поппер очик жамиятга ўтишнинг улкан тарихий аҳамиятини алоҳида таъкидлайди: "... ёпиқ жамиятдан очик жамиятга ўтишни инсоният бошдан кечирган энг чуқур инкилоблардан бири, деб тавсифлаш мумкин"¹. Поппернинг ёзишича, ёпиқ жамият тоталитар бўлиб, у "... бошиданок жамият манфаатларини шахс манфаатига нисбатан аҳамиятлироқ ва муҳимроқ деб тасаввур этган ҳолда, фақат амалий жиҳатдангина эмас, назарий жиҳатдан ҳам шахс манфаатларини жамият манфаатларига бўйсундиришга олиб келади"².

Поппер рационализмга асосланган назарияларида шахсни жамиятдан ва якка индивиднинг манфаатларини кўпчиликнинг манфаатидан устун қўйишга интилади. "К.Поппернинг рационализи индивидуализмдан келиб чиқади, жамиятшуносларники эса ҳамжамоавийлик, коллективизмдан. Биринчиси шахс ақлу-идрокини улуғлайди, иккинчиси авторитар фикрга эргашади. Чунки авторитаризм ўзига итоат эттириш асосига курилади. Шу боисдан ҳам К.Поппер коллективизмни қабилачилик даври ҳаёт тарзи, деб билади ва унинг кўринишларига қарши чиқади. У ҳар бир индивидни, шахсни тарихни яратувчи кучга айлантиришга интилади. Қандай жамият куриш кишиларнинг ўзига, уларнинг ақлу-идроки, масъулиятни ҳис қилишларига боғлиқдир, деган фикр попперизмнинг асосий ғояси ҳисобланади"³.

Фалсафа билан бир қаторда социологшия фани ҳам ривожлана бошлади. Чунки жамият ва унинг тараққиётида бўлаётган ўзгаришлар албатта, социология фанининг ҳам янги тадқиқот усуллари топишга

¹ Поппер К. Открытое общество и его враги. -М., 1992. 1 т. С.220.

². Шаповалов В.Ф. Основы философии современности к итогам XX века. -М.:Флинта, Наука, 1998.С.102.

³ Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоғи. Т.:Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти, 2007. 34 б.

мажбур этар эди. Социологиянинг фан сифатида шаклланишида немис олими М.Вебер, Америкалик социолог К.Пирсон, А.Маршаллар катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг таклиф этган янги социологик тадқиқот усуллари ҳозирги даврда ҳам бу фаннинг тизимидан ўрин олган.

М.Вебернинг “Протестант этикаси ва Европада капитализм тараққиёти” асари диншунослик ва тарих, фалсафа ва социология соҳаларида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Вебер бу асарида протестантлик шаклланишидан кейин унинг инсон фаолиятининг кенгайиши ва фаоллашувига қандай таъсир кўрсатгани, протестантлик таълимоти индивидуализм, фойда олиш каби хусусиятларни кишилар онгида шаклланишига катта таъсир кўрсатган бўлсада, умуман олганда протестантлик этикаси Европада капиталистик муносабатларнинг ривожланишига, мазкур жараёнларда инсоннинг фаоллашуви ва ўзининг фаоллиги орқали иқтисодий соҳага таъсир қилганлиги ва ниҳоят жамият тараққиётига катта ҳисса қўшганлигини эътироф этади. М.Вебернинг фикрларини Марказий Осиёда Нақшбандия таълимотининг тарқалиши ва бу таълимотнинг асосида “Қалбнинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин” ғояси билан қиёслаш мумкин. Чунки Нақшбанд ҳам инсоннинг ҳаёти фақат тоат ибодатдангина иборат бўлмасдан, у оиласи ва фарзандлари, қолаверса, жамият учун фойда келтиришни ўйлаши лозим. Демак, у ўзи учун, яқинлари ва оиласи, жамият учун ҳамда Оллоҳ йўлида ҳалол меҳнат қилиши, ўзининг меҳнати ва фаолияти орқали фойда келтириши лозим.

XIX асрнинг охирида бу фаннинг бир қатор фидоий олимлари туфайли психология мустақил фанга айланди. Психологиянинг ривожланиши кишиларнинг ҳаёт ҳақидаги фикрларига ва ижтимоий онгининг шаклланишига катта таъсир куўрсатди. Бу даврда психология доирасида бир неча йўналишларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Россияда И.Сеченов ва И.Павлов психологик жараёнларнинг физиологик асосларини, онгли ва онгсиз фаолиятни,

психофизиологик жараёнларни ўрганишда экспериментлар ўтказиш усуллари ишлаб чиқдилар;

2. Немис психологи ва олими В.Вунд инсоннинг рухий ҳаётида асосий ролни унинг иродаси ўйнашини эътироф этиб, психологик жараёнларда ироданинг аҳамиятини ўрганди, ўз ўзини кузатиш усуллари таклиф этди. Унинг “Халқлар психологияси” номли китобида турли халқларнинг афсоналари, динлари ва санъатини ўрганиб, уларнинг психологик тавсифлари ва изоҳларини берган.
3. Австрия олими, психианалитик З.Фрейд психологик жараёнларда онглилик билан бир қаторда онгсизликнинг ҳам ролини ўрганди. Психология, унинг фикрича онглилик ва онгсизликнинг мураккаб тизимини ташкил этади. Онг остида инсоннинг ўзи ҳам англаб етмаган онгсизликнинг улкан қатлами ётади. Бу қатламда инсоннинг ўзи англамаган истаклари, интилишлари, ҳис туйғулари акс этади ва улар инсон ҳаётининг баъзан қийинлашуви, психик касалликларнинг сабаби бўлиши ва соғлом кишиларнинг баъзан кутилмаган сиёсий, илмий, иқтисодий ва ҳ.к. ҳатти – ҳаракатларининг асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Онгсизлик баъзан инсонни турли ўзи ҳам кутмаган йўналларга бошлаши ҳам мумкин.

Ўрганилаётган даврда юқорида айтиб ўтилган фанлар билан бир қаторда ҳуқуқшунослик фанлари ҳам муҳим рол ўйнай бошлади. Унинг тараққиёти жамият, давлат, давлатлар ўртасидаги сиёсий муносабатларнинг кенгайиши, кишиларнинг иқтисодий фаолияти ва тадбиркорликнинг кенгайиб бориши каби жараёнларнинг эҳтиёжлари таъсирида ривожланиб борди. Ҳуқуқшуносликнинг ривожланиши билан бир қаторда жамиятнинг ҳуқуқий онги ҳам кенгайиб борди. Янги ҳуқуқий-сиёсий назариялар пайдо бўлди. Немис олими Р.Йеринг, француз ҳуқуқшунослари Л.Дюги ва Г.Кельзен, Е.Эрлих, Р.Паунд каби олимлар ҳокимиятнинг ҳуқуқий асослари, ҳуқуқнинг мақсадга йўналтирилган асослари, ижтимоий муносабатларнинг

сиёсий – ҳуқуқий асослари, ҳуқуқнинг бошқа жараёнлардан ҳоли бўлган тоза ҳуқуқий назариялари, юридик амалиёт каби соҳаларга оид тадқиқотлар олиб бордилар, ўз қарашлари ва ёндашувларини ривожлантирдилар.

XIX аср охири XX аср бошларида **тарихшунослик, диншунослик ва археология** соҳалари ҳам янада тараққий этди. Инсон ҳаётининг эволюция ва революция жараёнлари соҳасида тадқиқотлар олиб борилди. Тарихшунослик билан боғлиқ тарзда археология, палеография, нумизматика, манбашунослик, этнография, демография каби фанлар ҳам ривожлана борди. Германия, Англия, Япония, Франция, АҚШ, Россия каби мамлакатларда мунтазам тадқиқотлар олиб борилди. Тарихда воқеа ва ҳодисаларга объектив ва ҳолисона ёндашув тамойили асосий талаб сифатида қўйила борди.

Бу даврда маданият ва цивилизациянинг шаклланиши ва унинг тарихий жараёндаги ролини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. бу соҳада айниқса, А.Тойнби, О.Тофлер, О.Шпенглер, К.Ясперс каби таниқли олимларнинг номларини келтириш мумкин.

Арнольд Тойнби инглиз файласуфи. Унинг тарихга бағишланган асари “Тарихни тадқиқ этиш” деб номланиб, бу асарида Тойнби тарихий жараёни ўрганишга маданий-тарихий методология нуктаи назаридан ёндашиб, локал цивилизациялар назариясини яратди. Шпенглернинг “Европанинг сўниши” номли китобида акс этган тарих ва цивилизацияга оид назариясини давом эттирган ҳолда, тарихни бир-биридан алоҳида мавжуд бўлган локал цивилизациялар тарихи сифатида эътироф этади. Унинг фикрича, ҳар бир цивилизация тарихнинг битта циклини тшқил этади. Цивилизация ўз ҳаётида туғилиш, ўсиш, ривожланиш, сўниш ва емирилиш босқичларини босиб ўтади.

Ҳар қандай локал цивилизация марказида маданий-ижодий ядро (ўзак) мавжуд бўлиб, унинг атрофига маънавий, ижтимоий-сиёсий ва ҳўжалик ҳаётининг шакллари бирлашадилар. Цивилизация, тарих “чақириқ ва жавоб” қонунига бўйсунди. Бундай чақириққа цивилизациялар мавжуд

имкониятидан келиб чиққан ҳолда жавоб берадилар. Ўз маънавий-маданий ресурсларини жамлаган ҳолда чақириққа жавоб бера олиш потенциалига эга бўлган цивилизация яшаб кета олади. Демак, тарихий жараён, аниқроғи, вазият цивилизация олдига маълум талабларни, яъни чақирикни қўяди. Хар бир цивилизациянинг чақириққа жавоб берувчи асосий субъектив омили “ижодий озчилик” бўлиб, у жамиятда бошқарувчи ҳисобланади. Лекин вақтлар ўтиб, иждодий озчилик иждодий қобилиятларини йўқотади ва қақириқларга жавоб бера олмай қолади. Бундай ҳолат ўз навбатида цивилизациянинг емирилишига сабаб бўлади. Тойнби цивилизациянинг асосида турувчи асосий омил сифатида динни кўрсатиб, унга мос равишда бешта цивилизация шакллари таклиф этган: ғарбий-христианлик, православ-христианлик, ислом, ҳинду, узоқ Шарқ цивилизациялари.

Ижтимоий фанлар тараққиётида немис файласуфи Карл Ясперс нинг ҳам алоҳида ўрни бор. Олим ўз асарларида дунё тарихининг ягоналиги масаласига эътибор қаратади. Унинг фикрича, инсоният доирасида турли миллатлар ва мамлакатлар бор бўлишига қарамай, у ягона тарихга эга. Инсониятнинг келиб чиқиши ва мақсадлари ягона. Инсоният умумий мақсадга эгалиги сабабли ҳам унинг тарихи ягона. Бутун тарих бир-бирининг ўрнини босувчи учта фазага: тарихгача бўлган давр, тарих ва дунё тарихига бўлинади. Дунё тарихи дунёнинг ва инсониятнинг глобал бирлигидан бошланади¹.

Тарих фазасида – эр. аввалги ўқ даврда, яъни 800-200 йилларда ҳозирги замон одами пайдо бўлди ва тарихда кескин бурилиш бошланди, дунё тарихининг асоси, ўқи ташкил топди. Бунгача мавжуд бўлган архаик маданият локал характерга эга бўлган бўлса, энди маданият универсаллаша бошлади. Шу орқали инсоният “... ҳуқуқий тартибга солинган, моддий ва маънавий чексиз яшашга интилувчи бирликка эришади”². Кўриниб турибдики, Ясперс яшаган даврда глобаллашув муаммолари бугунгидек

¹ Ясперс К. Истоки истории и ее цель. Вып. 1-2. М., 1991. С. 120.

² Ўша жойда. С. 63.

долзарб турмаган бўлса-да, у ушбу жараённинг суръатлари тезлашиб бораётганини олдиндан кўра билган. Шу билан бирга, Ясперс XX асрнинг хавфларидан бири - халқнинг оммага айланиб қолиши ва омма ичида инсон ўзини йўқотиб қўйиши мумкин, деб таъкидлаб ўтган эди¹.

XIX асрда тарих соҳасида катта тадқиқотлар олиб борган олимлар қаторида Америка антропологи Л.Морган ва унинг кетидан “Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши” асарининг муаллифи немис марксист олими Ф.Энгельс айтиб ўтиш зарур. Морганнинг фикрича, инсоният тарихи ягона бўлиб, унинг йўналиши ва тараққий этадиган босқичлари ҳам барча мамлакатлар ва миллатлар учун ягона ҳисобланади. Морганнинг “Қадимги жамият” китобида айтишича барча миллатлар ва жамиятлар ўз тарихида уруғчилик тарихини ва матриархат даврини босиб ўтганлар. Кейинроқ унинг фикрларини Ф.Энгельс давом эттириб, инсоният тарихини ёввойилик ва варварлик босқичидан инсоният ҳақиқий жамияти тарихининг босқичига ўтиши сифатида, аниқроғи, оила, хусусий мулк, синфлар ва давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ тарзда тушунган эдилар.

О.Тоффлер ҳам тарихий тараққиёт ҳақида пессимистик фаразлар қилган. У тарихда учта босқич - тўлқинни ажратиб кўрсатади. Биринчиси—аграр цивилизация, иккинчиси - индустриал цивилизация ва XX асрдан учинчи тўлқин – янги цивилизация бошланган бўлиб, у саноат инқилоби билан боғлиқ. Учинчи тўлқин ўзигача мавжуд бўлган анъанавий цивилизацияга зид бўлиб, уни бутунлай издан чиқариб юборади ва ўзи билан бирга янги турмуш тарзини олиб келади. Бундай ўзгаришлар келажакни “шок” ҳолатига тушириб қўяди².

XIX аср охири XX аср бошларида фан тараққиёти ҳақида сўз кетганда, бу даврнинг тарихчилари, археологлари, файласуфлари, диншунослари ва бошқаларнинг фанни тараққий эттириш борасидаги ҳаракатларини бирлаштирганликлари сабабли ҳам мазкур фанлар соҳасида катта ютуқларга

¹ Ясперс К. Истоки истории и ее цель. Вып. 1-2. М., 1991. С. 196-197.

² Баталов Э.Я. Между прошлым и будущим. О книге Олвина Тоффлера “Третья волна”. Иностранная литература, 1981, № 9; Яковец Ю. История цивилизаций. М.: Владос, 1997. 40 б.

эришилганлигини эътироф этиш лозим. Бунинг натижасида Европада археологиянинг моддий базаси яратилди.

Европа давлатларида, АҚШ да кўплаб археология институтлари, музейлар ташкил этилди. Кўп ўтмай археология институтлари ва музейлар археологик тадқиқотлар олиб бориладиган жойларда ташкил этила бошланди. Жумладан, XIX асрнинг ўрталарида Римда Германия археология институти ташкил этилди, кейинроқ унинг марказий бўлими берлинга кўчирилди. Рим, Афина, Стамбул, Афина каби шаҳарларда ҳам археология институтлари ва уларнинг филиаллари ҳамда музейлар ташкил этилди.

1874 йилда француз археология институти очилди, кейинроқ Афинада Археология жамияти юзага келди. АҚШ, Россия ва Австрияда ҳам Археология жамиятлари ташкил топди. 1865 йилда Лондон, Берлин, Петербург ва Амстердам шаҳарларида Палестинни тадқиқ этиш фондлари ва иттифоқлари ташкил топди. Ташкил этилган музейлар ва археология институтларида тарихий хужжатлар ва археологик қазилмалар сақланадиган ва уларни ўрганиладиган марказларга айландилар.

Эътироф этиш лозимки, европалик археологлар қазилма бойликларнинг кўплаб қисмларини Европага олиб чиқиб кетдилар. 1898 йилда Берлин музейи Вавилон ҳудудида (ҳозирги Бағдоддан 90 км.) археологик қазилма ишларини олиб борди. 4 йил давомида Берлинга 100 мингдан кўпроқ плиткаларнинг қолдиқлари ва синиқлари ҳамда бошқа археологик қазилма бойликлар олиб чиқиб кетилди. 1854 йилда археолог Рассам Вавилонда қадимги Ашшурбанипал библиотекасини топди. Мазкур библиотека 30 мингдан зиёд сопол тахтачалардан иборат эди. Бундай бойликнинг ҳаммаси Британия музейига олиб чиқиб кетилди. 30 йилдан кейин уларнинг каталоги беш қисмдан иборат тўпламда нашр этилди.

Шундай қилиб, кўриб чиқиладиган давр яъни XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Европада аниқ фанлар ва ижтимоий фанлар тараққиётида ва техниканинг янада такомиллашиб бориши жараёнида ўзига хос давр бўлди. Фан ва техника юксак тараққиётга эришди, оламшумул

аҳамиятга эга бўлган кашфиётлар амалга оширилди. Фан ва техника соҳасидаги ютуқлар ўз навбатаида Европа давлатларининг иқтисодий ва ижтимоий – маданий тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Бу давр XX асрнинг иккинчи ярмида амалга ошган илм-фан ва техника соҳасидаги инқилобга замин ясади.

XIX аср охири XX аср бошларида фан ва техника тараққиётининг натижалари фақат Европанинггина эмас, бошқа мамлакатлар ва миллатларнинг ҳам иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Иқтисодий алоқалар натижасида моддий ишлаб чиқариш соҳасида амалга оширилаётган илмий ва техникавий модернизация мазкур давлатларнинг ҳам тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

Демак, XIX ва XX асрлар бошлари барча Европа мамлакатлари, АҚШ тарихида ўзига хос давр бўлди. Бу давр саноат инқилобининг энг юқори нуқтасига чиққан ва барча жиҳатлардан яқунланиш даври эди. Саноат инқилоби билан боғлиқ ҳолда амалга ошган техника тараққиёти барча мамлакатларнинг хўжалик структурасини бутунлай ўзгартириб юборди. Фан ва техника соҳасидаги кашфиётлар ва ютуқлар ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг усуллари ва йўналишларини тубдан ўзгартириб юборди. Янги прогрессив усулларнинг тадбиқ этилиши ўз навбатида саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида янада силжишларга олиб келди.

Европа давлатлари ва АҚШда XIX аср охири XX аср бошларида саноат ва қишлоқ хўжалигининг юксак тараққиёти кўзга ташланади. Юқорида қайд этилган омиллар билан бир қаторда географик омиллар, ижтимоий-сиёсий қулай вазият, ички ва ташқи сиёсат доирасидаги ижобий шароитлар ҳаммаси биргаликда Европа иқтисодиётини янада ривожланиши учун кенг имкониятлар яратди. Қисқа давр ичида Европа давлатлари иқтисодий-ижтимоий тараққиётида бошқа давлатларга нисбатан анча илгарилаб кетди ва аграр давлатлар ўрнида ривожланган индустриал давлатлар ташкил топди.

Юқорида қайд этилган жараёнларнинг барчаси йирик давлатларни янада янги ерларни ўзлаштиришга, янги-янги иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишга ва ана шулар орқали тобора ўсиб келаётган иқтисодий эҳтиёжларни қондиришга ундади. Бу нуқтаи назардан фан ва техника тараққиёти жаҳон миқёсидаги иқтисодий эҳтиёжларни қондириш учун амалга оширилган улкан омиллардан бири бўлди.

Демократик жамият қуришга интилиш билан бир қаторда XX аср бир қатор тоталитар тизимларнинг ташкил топиш даври бўлди. Ҳарбий диктатура ва айрим тоталитар давлатларнинг ташкил топиши йўлида улкан инсон ресурслари, потенциали ва моддий ресурслар сарф бўлди. Шу билан бирга айнан XX аср турли шаклда фаолият олиб бораётган ҳукуматларнинг ҳам емирилиш даври бўлди.

Фан ва техниканинг тараққиёти натижасида Европанинг йирик давлатлари кучли ҳарбий қурооларга ва техникага эга бўлдилар. Давлатларнинг дунёни бўлиб олиш ва унинг бойликларини қўлга киритиш борасидаги ҳатти – ҳаракатлари натижасида XX аср бошларида 1 Жаҳон уруши, XX асрнинг ўрталарига келиб эса Гитлер Германияси бошчилигида 11 Жаҳон уруши бошланди. Бу уруш жаҳоннинг кўплаб давлатларини уруш жараёнига тортди.

Урушнинг эҳтиёжлари урушда фаол иштирок этаётган давлатларнинг янада мустамлакачилик сиёсати олиб боришга даъват этди. Жумладан, жанубий ва тропик Африка давлатларининг ҳудуди бир неча капиталистик давлатлар ўртасида олиб борилган шафқатсиз курашнинг объектига айланди. Бу давлатларнинг бой ҳудуди учун олиб борилган кураш кескин рақобат асосида олиб борилди. Бу ҳудуд бир неча ўнлаб мустамлака колонияларига бўлинган эди. Биринчи жаҳон урушининг тугалланиш арафасида Қора Африканинг 90,4 % майдони Англия., Франция, Германия., Италия, Бельгия, Португалия, Испания давлатларига тегишли эди. Бу улкан ҳудуднинг энг катта қисмини ва унда яшовчи халқларни Франция ва Англия босиб олган эди. Францияга мустамлака ҳудудларнинг 43 % ери унинг 51 млн. аҳолиси

билан бирга тегишли бўлса, Англияга бу ҳудуднинг 38 % ери ва бу ерда яшовчи 77 млн.аҳоли тегишли эди.

Сўнгги ўн йилликларда табиатшунослик ва ижтимоий фанларнинг ўхшаш жиҳатлари ва фарқлари муаммосининг бошқача талқини кенг тарқалган бўлиб, улар янги йўналишда шаклланмоқда. У умумий илмий билишнинг айрим тури ҳисобланувчи, унинг умумий мезонлари ва қонунларига бўйсунувчи маданий-тарихий ва ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни объектив билиш мумкинлигини сўзсиз тан олишга асосланади. Айни вақтда ижтимоий борлиқ ва «инсон дунёси»ни билишда объектив ҳақиқатга эришиш мураккаб жараён бўлиб, айрим алоҳида талаблар ва шартларни бажаришни тақозо этади.

Ижтимоий билиш соҳасида олдинга қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолатда иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий, диний, эстетик, ахлоқий ва бошқа соҳалар турли ижтимоий – гуманитар фанлар томонидан тадқиқ этилади. Ижтимоий фанлар ва табиатшунослик фанлар ўрганиш соҳаларининг ўзига хослиги, уларнинг фарқи ва алоқадорлик масалалари ҳозирги замон фан фалсафаси ва методологиясида ҳал этилиши зарур бўлган муҳим масалалардан биридир.

Хулоса

Билим маънавиятнинг муҳим элементларидан бири сифатида жамият тараққиёти билан биргаликда юзага келган. Жамият тараққиётининг эҳтиёжлари ва манфаатлари асосида моддий ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш кучларининг тараққий этиши, бозор иқтисодиётининг юзага келиши ва бошқа жараёнлар натижасида жамият тараққиётида билим муҳим омиллардан бирига айланди. Жамият тўғрисидаги энг умумий тасаввур асосида жамиятни қуйидагича тавсифлаш мумкин. Жамият – кишиларни биргаликда фаолият олиб боришлари мақсадида бирлашган мураккаб тизим бўлиб, у маълум ташкилланганлик, тартиб асосида қурилган. Унда озчилик кўпчиликка бўйсунди. Жамиятда умумий ҳаётнинг ягона асослари ташкил топади ва унга бирлашган кишиларнинг маълум ҳуқуқлари ва бурчлари шаклланади.

Ижтимоий билиш соҳасида олдинга қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолатда иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий, диний, эстетик, ахлоқий ва бошқа соҳалар турли ижтимоий – гуманитар фанлар томонидан тадқиқ этилади. Ижтимоий фанлар ва табиатшунослик фанлар ўрганиш соҳаларининг ўзига хослиги, уларнинг фарқи ва алоқадорлик масалалари ҳозирги замон фан фалсафаси ва методологиясида ҳал этилиши зарур бўлган муҳим масалалардан биридир.

Ижтимоий билиш субъектнинг ўз онги ва дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда жамият ва унда юз бераётган қвоқеа ва ҳодисаларни шахс позициясидан ёки жамиятнинг аъзоси сифатида билишга интилишдан бошланади. Шахс ўзининг тажрибаси ва маълум қаоашлари асосида жамиятда кечаётган турли иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқа жараёнларни таҳлил этишга интилади. Бунинг натижасида шахс томонидан ижтимоий англаш жараёни амалга ошади. Жамиятда кечаётган воқеа ва ҳодисалар таъсирида шахс ўз юриш туриши, ахлоқий ҳатти ҳаракатларини амалга оширади.

Ижтимоий билиш жамиятни тушунишга интилиш, унинг келажагини башорат қилиш, жамият тараққиётининг асосий йўналишларини режалаштириш билан боғлиқ. Мазкур жараёнлар инсоният тараққиётининг барча давларида ҳам амалга ошиб келган. Фан тараққиёти натижасида, инсониятнинг тажрибаси ошиб боргани сари, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжлар тараққиёти натижасида жамиятни англашга интилишнинг тобора кучайиб боргани сари жамиятнинг инсонга унчалик таниш бўлмаган жиҳатлари ҳам аста секин англаб борилган.

Жамият ривожланиб боргани сари билиш ва ижтимоий соҳасида ҳам прогрессив ўзгаришлар амалга ошади. Жамият иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда бу тизим ҳам ўзгариб боради. Жамият тараққиётига назар ташласек, унинг қанчалик тараққий этиб боргани сари билиш соҳасининг ҳам шунчалик ривожланиб борганлигини кўрамиз. Жамиятни билишнинг янги усуллари топиш йўлида олиб борилаётган изланишлар, таълимнинг тобора ижтимоийлашиб бориши билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг юзага келиши муносабати билан ижтимоий билиш масалалари янада долзарблик касб этмоқда.

Анъанавий гносеологияда табиий фанлар билим ва билиш фаолиятининг, энг муҳими - билиш назариясининг идеали ҳисобланса, инсон ҳаётининг мазмуни, ахлоқий ва эстетик қадриятларни ўзида мужассамлаштирган маданият ва маънавий ҳақидаги фанлар тажрибаси маълум маънода билиш назариясидан (гносеология) доирасидан четда қолмоқда. У ижтимоий билимга мурожаат этганида, билувчи инсон, унинг бошқалар орасидаги борлигини англаб етиш, ижтимоий-туманитар фанлар гносеологиясига фалсафий, тарихий ва ижтимоий-маданий кўрсаткичларни киритиш усуллари идрок этиш, ҳақиқат категорияси, унинг объективлигини талқин қилиш ва тушунишдан фойдаланувчи янгача ёндашувда қайта англаб етишнинг оқилона шаклларига эҳтиёж туғилади.

Ўзбекистон президенти И.А.Каримов томонидан таклиф этилган жамиятни янада демократлаштириш ва модернизация қилиш концепцияси

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига кириб бориши, унинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланиши, жамиятни тобора либераллаштириш ва эркинлаштириш йўллари назарий жиҳатдан асослаб берди. Маълумки, ҳар қандай демократия ва либераллашув модернизациясиз, яъни ижтимоий ҳаёт барча соҳаларининг янгиланишисиз амалга ошмайди. Бу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, билим бундай модернизацияни амалга оширишнинг асосий омилларидан биридир. Бугунги кунда билим қамраб олмаган бирор-бир соҳани ёки инсон фаолиятининг турини топиш қийин. Демак, мамлакатимизнинг келгуси тараққиёти учун ҳам бошқа халқлар ва мамлакатлар тараққиёти тарихини ҳамда бу жараёнда билим, илм-фан, техниканинг ролини ўрганиш, уларнинг илғор жиҳатларидан фойдаланиш, уларни ўз ҳаётимизга тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, жамият тараққиётида ва тарихида билишнинг роли улкан. Ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилларидан бири билишдир. Тарихий жараёнда билимни қандай ўрин эгаллаганлиги, унинг жамият тараққиётига қандай таъсир кўрсатганлиги, дунё тарихида билимнинг қандай тизимлари муҳим рол ўйнаганлиги ижтимоий соҳани билишнинг ўрни ва ўзига хосликларини англаб етиш нафақат фалсафий фанлар соҳасида, балки барча ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан муҳимдир.

Ҳозирда тобора дунё мамлакатлари ва турли миллатлар ўзаро интеграция жараёнига кириб бораётган шароитда билиш ва унинг ажралмас қисми бўлган ижтимоий билишнинг хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Демак, табиатшуносликда фалсафий, мафкуравий ва бошқа жараёнлар илмий кашфиётларнинг мазмунига эмас, балки улардан келиб чиқувчи назарий фалсафий хулосаларга, шунингдек, билимларнинг амалда қўлланилишига таъсир кўрсатса, ижтимоий фанларда субъектнинг мақсади - билим олиш, унинг ёрдамида у ёки бу ижтимоий муносабатлар ва тузилмаларни нафақат тушунтириш, балки асослаш, мустаҳкамлаш ёки

коралаш, ўзгартиришдир. Бу ерда билимнинг мазмуни билувчи субъект ижтимоий нуқтаи назарининг таркибий қисми ҳисобланади, бинобарин, ижтимоий ғоялар ва назарияларнинг асл мазмунини тушуниш учун уларни нафақат билиш объекти, балки ижтимоий гуруҳларнинг ҳақиқий манфаатлари билан таққослаш, яъни объектни ўрганишнинг қўшимча мезони — субъект-субъект муносабатларини ҳам киритиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти. Халқ сўзи. 2014 йил, 16 май. 1-2 бетлар.
2. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. “Мактаб – тараққиёт, маданият ва саодат калити”. \\\ Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва катъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. Т.: “Ўзбекистон”, 2004, 276-бет.
4. Каримов И.А, “Илму фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин”. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий йиғилишида сўзлаган нутқ – Халқ сўзи, 1994 йил 8 июль.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон, 2008.
6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. Фалсафа: қомусий луғат. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2004.
9. Фалсафа асослари. Т.: Ўзбекистон, 2005.
10. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2004.
11. Ўрта Осиё халқлари ҳурфикрлилиги тарихидан. Т.: Фан, 1990.
12. Ғарб фалсафаси. Т.: Шарқ, 2004.
13. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т.: Ўзбекистон, 1995.
14. Туленов Ж. Диалектика ва тафаккур услуби. Т.: Фан, 1979.
15. Классическая наука Центральной Азии и современная мировая цивилизация. Т.: Фан, 2001.
16. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. Т.:

17. Билиш назарияси масалалари. Т.: Фан, 1975.
18. Философия и методология науки (составитель – Н.Шермухаммедова). Т.: НУУЗ, 2003.
19. Tulenov J. Dialektika nazariyasi. Т., «O'zbekiston» 2001.
20. Tulenov J. Qadriyatlar falsafasi. – Т., «O'zbekiston» 1998.
21. Choriev A. Inson falsafasi. – Т., 2006 yil.
22. Istiqlol, demokratiya va fuqarolik jamiyati. – Т., «Sharq» nashr., 2003.
23. Tulenova K. Predvidenie i realnost. – Т., «O'zbekiston milliy entsiklopediyasi» ilmiy nashr., 1998.
24. Bilish falsafasi. – Т., «Universitet» nashr., 2005.
25. G'arb falsafasi. (Olimlarning tsivilizatsiya muammosiga daxldor qarashlari) – Т., «Sharq» 2004.
26. Falsafa asoslari. Q.Nazarov tahriri ostida – Т., «O'zbekiston» NMIU, 2005.
27. Falsafa. Axmedovanning M. umumiy tahriri ostida, - Т., 2006.
28. Jaxon falsafasi tarixidan lavhalar. I qism – Т., O'zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashr., 2004.

Elektron ta'lim resurslari.

1. www.tdpu.uz
2. www.pedagog.uz
3. [www. Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
4. [tdpu-INTERNET.Ped.](http://tdpu-INTERNET.Ped)